



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 30 » dekabr

№ 731

Toshkent sh.

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат спорт-таълим муассасалари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 6 июндаги ПҚ–268-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, спорт турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш учун спорт захирасини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки:

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари (кейинги ўринларда – олимпия ва паралимпия марказлари) **ўрта** ва **профессионал давлат спорт-таълим муассасаси** ҳисобланади ҳамда уларнинг фаолияти юқори малакали мутахассислар ва спортнинг олимпия ва паралимпия турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш учун **спорт захирасини тайёрлашга** йўналтирилади;

2022/2023 ўқув йилида Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг ўқувчи-спортчилари сони **750 нафарни**, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олимпия ва паралимпия марказларининг ўқувчи-спортчилари сони **600 нафарни** ташкил этади;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг ўқувчи-спортчилари сони **600 нафарни**, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олимпия ва паралимпия марказларининг ўқувчи-спортчилари сони **450 нафарни** ташкил этади;

олимпия ва паралимпия марказларида ўқувчи-спортчилар контингенти ва улар ходимларини қисқартириш натижасида бўшаб қоладиган бюджет маблағлари ушбу марказлар спортчиларини **озик-овқат** билан таъминлашни янада яхшилаш ва **тренерларни рағбатлантириш** учун йўналтирилади;

олимпия ва паралимпия марказларининг **Олимпия ва Паралимпия коллежлари паралимпия бўлимларига** умумий ўқувчи-спортчилар сонига нисбатан Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси тавсиясига асосан жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ўқувчи-спортчилар учун **10 фоизгача кўшимча** квоталар белгиланади;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежларига спорт турлари бўйича қабул қилинган ўқувчи-спортчилар олимпия ва паралимпия марказларини **тўлиқ тамомлагунга қадар ўқитилиши таъминланади;**

олимпия ва паралимпия марказларининг ўқувчи-спортчилари тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **озиқ-овқат билан таъминланади;**

олимпия ва паралимпия марказлари **психологлари** ҳамда **тарбиячилари** Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда унинг филиалларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда **бепул малака оширади.**

2. Қуйидагилар:

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари **рўйхати 1-иловага** мувофиқ;

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари тўғрисидаги **низом 2-иловага** мувофиқ;

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига ўқувчиларни қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ўқишини кўчириш тартиби тўғрисидаги **низом 3-иловага** мувофиқ;

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг профессионал таълим босқичи битирувчиларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги **низом 4-иловага** мувофиқ;

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ўқувчи-спортчилари учун суткалик **озиқ-овқат нормаси 5-иловага** мувофиқ;

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлар **жадвали 6-иловага** мувофиқ;

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг айрим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги **низом 7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки:

олимпия ва паралимпия марказлари ўқувчи-спортчилари Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларида **алоҳида жамоа сифатида** иштирок этади;

Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази ўқувчи-спортчилари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олимпия ва паралимпия марказларининг 1–2-курсларида таълим олаётган спорт турлари бўйича республика миллий терма жамоалари учун **асосий номзод бўлган спортчи-ўқувчилардан** бутланади;

олимпия ва паралимпия марказлари ўқувчи-спортчилари учун спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида тасдиқланган **суткалик озиқ-овқат нормасига мос равишда маблағ ажратилади;**

халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига мувофиқ олимпия ва паралимпия марказларининг тажрибали ходимларини **2023 йилдан бошлаб чет давлатларга юбориш амалиёти жорий этилади.** Бунда хизмат сафарлари харажатлари спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси доирасида ажратилган **маблағлар ҳисобидан қопланади.**

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2023/2024 ўқув йилига қадар:

олимпия ва паралимпия марказларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан республикада **ишлаб чиқарилаётган автобус** билан таъминласин;

олимпия ва паралимпия марказларида **хўжалик хизматларини** (энг аввало овқатланиш хизматларини) **аутсорсинг** асосида амалга оширишни йўлга қўйсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги:

а) Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан биргаликда **2023 йил 1 февралга қадар:**

Марказларда умумий ўрта таълим ва профессионал таълим жараёнининг узвийлигини ҳамда спорт маҳоратини узлуксиз ўстиришни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда касбий стандарт ва малака талабларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Марказларда паралимпия спорт турлари бўйича ўқувчилар тайёрланишини инобатга олган ҳолда уларни замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали педагог кадрлар ҳамда тренерлар билан тўлдириш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

б) Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан биргаликда **2023 йил 1 мартга қадар** Марказларда паралимпия спорт турлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар қабул қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари ҳамда спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) **2023 йил 1 сентябрга қадар** Марказларнинг бино ва иншоотларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда мавжуд спорт иншоотларида кўзи ожиз ва заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи ҳамда кар ва соқов ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда спорт иншоотлари мавжуд бўлмаган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида махсус спорт иншоотларини қуриш, уларни тегишли спорт инвентарлари билан таъминлаш ишларини **2023 йилдан бошлаб** Инвестиция дастурларида назарда тутиш юзасидан таклиф киритсин.

7. Спортни ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2023 йил 1 мартга қадар Ҳукуматнинг “Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ **ўзгартиришлар** киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 9-иловага мувофиқ **ўз кучини йўқотган** деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш спортни ривожлантириш вазири А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” декабрдаги 731 -сон қарорига
1-илова

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари РЎЙХАТИ

Т/р	Марказларнинг рўйхати	Марказларнинг юридик адреси
1.	Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Тошкент шаҳри, Лутфий 4-тор кўчаси, 38-уй
2.	Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Нукус шаҳри, Чимбой гузари
3.	Андижон олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Андижон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1-уй
4.	Бухоро олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Бухоро шаҳри, Алпомиш кўчаси, 2-уй
5.	Жиззах олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Жиззах шаҳри, Истиклол кўчаси, 12-уй
6.	Қарши олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 13-уй
7.	Навоий олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Навоий шаҳри, М.Таробий кўчаси, 17-даҳа
8.	Наманган олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Давлатобод тумани, Тинчлик кўчаси, 5-уй
9.	Самарқанд олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Самарқанд шаҳри, Пахтаобод кўчаси, 77а-уй
10.	Тойлоқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Тойлоқ тумани, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 5а-уй
11.	Гулистон олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Гулистон шаҳри, Гулистон кўчаси, 5-уй
12.	Термиз олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Термиз шаҳри, А.Навоий кўчаси, 42-уй
13.	Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Чирчиқ шаҳри, 50 йил шоҳ кўчаси, 14-уй
14.	Фарғона олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 55-уй
15.	Урганч олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 1а-уй

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” декабрдаги 731 -сон қарорига
2-илова

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг (кейинги ўринларда – Марказ) мақоми, мақсади ва асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, шунингдек, уни молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Марказ ўрта ва профессионал давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари (катталар ва ёшлар) дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш учун спорт захирасини тайёрлашга йўналтирилади, миллий кураш ҳамда алоҳида Ҳукумат қарорлари билан белгиланган спорт турлари бундан мустасно.

Марказдаги ноолимпия спорт турлари бўйича йўналишларда таҳсил олаётган ўқувчилар ушбу Марказни тўлиқ тамомлагунга қадар ўқитилади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ўз уставига амал қилади.

Марказнинг устави Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан тасдиқланади.

4. Марказга қабул квоталари ҳар бир спорт турининг хусусиятидан (вазн тоифаси, спортчилар сони, шу жумладан, спортчи аёллар сони, жамоавий спорт турлари бўйича тегишли спорт турида иштирок этадиган спортчилар сони ва бошқалар) келиб чиқиб шакллантирилади.

Марказларда ўқиш жараёни 2 та босқичда: 1-босқич 5–11-синфлар учун Олимпия мактабларида, 2-босқич 1–2-курслар учун Олимпия ва Паралимпия коллежларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирига ҳудуднинг спорт турларига ихтисослашувидан келиб чиқиб, Олимпия мактаблари ҳамда Олимпия ва Паралимпия коллежларининг спорт турлари бўйича контингентининг умумий сони доирасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

5. Марказ юридик шахс ҳисобланиб, ўз мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, бошқа зарур муҳр ва штампларга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисоб рақамларига эга бўлади.

6. Вазирлик Марказга умумий раҳбарлик қилади, назоратни ташкил этади, унинг ташкилий-кадрлар ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради.

7. Марказда хорижий мамлакатлар фуқаролари ўқитилмайди, халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2-боб. Марказнинг мақсадлари ва асосий вазифалари

8. Марказнинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

ўқувчиларга жисмоний тарбия ва спорт бўйича чуқурлаштирилган таълим бериш, уларни ҳар томонлама камол топтириш ва спорт мутахассисликлари ва касбларини эгаллашини таъминлаш;

ўқувчиларни истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, уларда ўз Ватани билан фахрланиш ва миллий маданий-тарихий анъаналарни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш.

9. Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари, спорт клублари ёки бошқа спорт-таълим муассасаларининг спорт соғломлаштириш тайёргарлигидан ўтган ўқувчилар орасидан танлов асосида Марказда ўқишни давом эттириш учун танлаб олиш;

давлат буюртмаси асосида спорт турлари реестрига киритилган ҳамда ягона спорт таснифи мавжуд бўлган спорт турлари бўйича разрядли ва унвонли спортчилар тайёрлаш;

республика ва халқаро мусобақаларда қатнашиш учун спорт захирасини терма жамоалар таркибига тайёрлаш;

ўқувчиларнинг республика ва халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиши учун зарур ва етарли бўлган касбий мойиллигини, маҳорати ва кўникмалари чуқур ривожлантирилишини таъминлаш, спорт тайёргарлиги таълимининг навбатдаги босқичларида ўқишини, шунингдек, эгалланган мутахассислик бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишини давом эттириш;

мутахассислар ва спорт захирасини сифатли тайёрлаш учун зарур ташкилий, ўқув-методик, психологик-педагогик, тиббий-биологик ва моддий-техник шарт-шароитларни таъминлаш;

давлат таълим стандарти доирасида умумий ўрта таълим ва профессионал таълим ўқув дастурларини амалга ошириш;

ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштирувчи йўналишини амалга ошириш учун шарт-шароитларни таъминлаш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Марказ:

Вазирлик ҳамда бошқа ташкилотлар орқали республика ва халқаро спорт мусобақаларида қатнашиш, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига мувофиқ республика ҳамда чет давлатларда ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш;

Вазирлик кўрсатмасига мувофиқ олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш, спорт захираларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш мақсадида Марказда янги спорт турлари бўлимларини очиш ёхуд спорт захирасини тайёрлашга оид белгиланган спорт кўрсаткичлари даражаси паст бўлган спорт турлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш;

Вазирлик билан келишган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга ўз фаолияти ихтисослигига мувофиқ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида пуллик хизматлар кўрсатиш (спорт иншоотларидан фойдаланиш, пуллик спорт хизмати), кўрсатилган хизматлар учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш;

Вазирлик билан келишган ҳолда Марказнинг тренерлар таркиби, ходимлари ва ўқувчиларини алмашиш, қўшма спорт тадбирлари, байрамлар, кўриклар, семинарлар ва шу кабиларни ўтказиш бўйича хорижий спорт ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таълим ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро фаолиятда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Марказ ўқувчилар ва тренерларни спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига мувофиқ спорт тадбирларида, халқаро мусобақаларда қатнашиш, шунингдек, чет давлатларда тажриба алмашиш учун юбориши, ўқувчилар иштирокида маҳорат сабоқлари, семинар, конференция ва давра суҳбатларини ўтказиши мумкин.

12. Марказ қуйидаги мажбуриятларга эга:

таълим-тарбия ва спорт тайёргарлиги ўқув-машқ жараёнини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш, тренерлар таркиби ва педагог ходимлар жамоаси ҳамда бошқа тегишли мутахассисларнинг ўз фаолиятига оид топшириқлари бажарилишини, шу жумладан, таълим олувчилар томонидан ўз мажбуриятлари доирасида танланган спорт турлари бўйича таълим ва спорт тайёргарлиги ўқув дастурлари босқичма-босқич ўзлаштиришини таъминлаш;

таълим стандартига мувофиқ тасдиқланган ўқув дастурлари, спорт тайёргарлиги дастурлари асосида йиллик ўқув режасини, ўқув жадвалини ва ўқув-машқ машғулоти жадвалини ишлаб чиқиш;

таълим ва ўқув-машқ машғулоти жараёни ўтказиладиган даврда таълим оловчилар ва тренерлар таркиби, педагог-ҳодимлар жамоаси ҳамда бошқа тегишли мутахассисларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;

таълим-тарбия ва спорт тайёргарлиги ўқув-машқ жараёнини жорий назорат қилиш, ўқувчиларнинг назорат нормативлари топширишини таъминлаш;

моддий-техника базаси ва мол-мулкнинг сақланишини ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

4-боб. Марказда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

13. Марказда ўқув жараёни Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ўқув режага асосан амалга оширилади.

14. Ўқув жараёни жадвали, ўқув машғулоти турлари, аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув-тарбиявий ишлар, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг бошқа шакллари ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Марказда ўқув йили 2 сентябрдан бошланади.

16. Марказда ўқиш кундузги шаклда амалга оширилиб, ўқув машғулотларининг давомийлиги, ўқувчиларнинг ўқув юкмаси ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа масалалари тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ белгиланади.

17. Марказ ўқув режаси ўқув-машқ машғулоти жадвали, яқка тартибда ишлаш ва тарбиявий ишларни ташкил этиш шакллари ва усуллари белгилайди.

18. Ўқув дастурлари ўқув режасига мувофиқ қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

ўқув дарси – ўқув жараёнининг ажралмас қисми бўлган таълим иштирокчиларининг ўзаро боғлиқлик шакли, таълимнинг мақсади, мазмуни усул ва воситаларини ўзида мужассам этган тизим;

маъруза – ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли бўлиб, ўқувчиларга ўқув материалининг асосий ҳолатлари ҳақида тушунча беради, ўқувчиларни йўналтирувчанлик, ахборотлилик, методологик, тарбияловчилик ва ривожлантирувчилик вазифаларини амалга оширишга имкон беради;

семинар – таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун зарур шароитни таъминловчи машғулоти шакли;

лаборатория иши – ўқувчиларнинг мустақил равишда экспериментлар ўтказган ҳолда фанларни ўзлаштириши. Тажрибалар шахсий ёки гуруҳга бўлинган ҳолда ташкил этилиши мумкин;

мустақил тайёргарлик – ўқувчилар томонидан ўқитувчи билан мулоқотга киришмаган ҳолда махсус ўқув материалларини ўзлаштириш мақсадида қўлланиладиган ўқув фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мустақил тайёргарлик дарс жараёнида ва дарсдан ташқари жараёнда оғзаки ёки ёзма равишда қўлланилиши мумкин;

амалий машғулоти – ўқитувчи раҳбарлигида илмий-назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустақил ишлашга ўргатиш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида ўтказилади.

19. Марказда спорт машғулоти, ўқув-машқ йиғинлари, гуруҳ ва якка тартибдаги (индивидуал) ўқув-машқ машғулоти куйидаги шаклларда амалга оширилади:

ўқув-машқ машғулоти – бу спорт тайёргарлиги жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, спорт тайёргарлиги иштирокчиларининг ўзаро боғлиқлик шакли, спорт тайёргарлигининг мақсади, мазмуни усул ва воситаларини ўзида мужассам этган тизим сифатида қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади: назарий тайёргарлик, амалий тайёргарлик (булар умумий жисмоний тайёргарлик, махсус жисмоний тайёргарлик, техник-тактик тайёргарлик, психологик тайёргарлик, кўчириш (ўтказиш) назорат синовлари, назорат мусобақаларида иштирок этиш, йўриқчилик ва ҳакамлик амалиёти, мусобақаларда иштирок этиш, тикланиш тадбирлари ва тиббий назорат шакллари ҳисобланади);

назарий тайёргарлик – ўқувчиларга шахсни анатомик ва физиологик режалаштириш, спорт тайёргарлигига оид санитария-гигиеник талаблар, ўқув-машқ машғулотларининг техник хавфсизлиги, шунингдек, уларнинг танланган спорт турлари бўйича спорт тайёргарлигига тааллуқли турли назарий маълумотлар доирасида назарий билимлар берилади;

умумий жисмоний тайёргарлик – ўқувчиларнинг ёши, жинсига оид спорт тайёргарлигига, ўқув-машқ машғулоти жараёнида умумий жисмоний машқларни ўрганиш ва ўзлаштиришга, умумий жисмоний тайёргарлик даражаси кўрсаткичларини бажариш ва назорат қилишга қаратилади;

махсус жисмоний тайёргарлик – ўқувчиларнинг танланган спорт турлари бўйича спорт тайёргарлигига оид махсус жисмоний машқларни ўқув-машқ машғулоти жараёнида ўрганиш ва ўзлаштиришига, махсус жисмоний тайёргарлик даражаси кўрсаткичларини бажаришига йўналтирилади;

техник-тактик тайёргарлик – ўқувчиларни танлаган спорт турлари бўйича спорт тайёргарлиги ўқув-машқ машғулотларини ўзлаштириш жараёнида техник-тактик машқлар, усуллар, ҳужум ва ҳимояланиш амалларини

ўрганишига, шу жумладан, уларнинг ўзлаштириш ҳолатларини назорат қилишга қаратилади;

психологик тайёргарлик – ўқувчиларнинг спорт тайёргарлиги ўқув-машқ машғулотларини ўзлаштиришда ва спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш жараёнларига психо-физиологик ёндашувлар асосида ташхислар ва психологик тест-синовларини ўтказиш, уларни психологик жиҳатдан тайёрлаш орқали амалга оширилади;

кўчириш (ўтказиш) назорат синовлари – спорт тайёргарлиги жараёнида белгиланган тартибда ўқувчиларнинг ёши ва жисмоний имкониятлари ҳамда жисмоний ҳолатига кўра умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги даражаси кўрсаткичлари аниқлаб борилади, шу жумладан, уларнинг техник-тактик тайёргарлиги маҳоратига баҳо берилади;

назорат мусобақаларида иштироки – ўқувчиларнинг танланган спорт тури бўйича спорт тайёргарлиги ўқув-машқ машғулотлари юкламаларини ўзлаштириш жараёнида назорат мусобақалари орқали уларнинг спорт маҳоратини ўзлаштириш ва ривожлантиришга қаратилади (соатлар сеткасидан ташқари);

йўриқчилик ва ҳакамлик амалиёти – тренерлик ва ҳакамлик ишларига кейинчалик жалб қилиш учун спорт йўриқчилари ва спорт ҳакамларининг билим ва кўникмаларини эгаллаб олиш мақсадида олиб борилади;

мусобақаларда иштирок этиш – тасдиқланган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режаси асосида Марказда таълим олувчи ўқувчиларнинг ҳудудий, республика ва халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишлари назарда тутилади;

тикланиш тадбирлари – ўқувчиларнинг спорт тайёргарлиги жараёнида ҳордиқ чиқариш, фаол дам олишини таъминлаш мақсадида турли тикланиш ва жароҳатланишнинг олдини олиш тадбирларини ўз ичига олади;

тиббий назорат – ўқувчиларнинг ўқув йили давомида камида икки маротаба чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиши ва спорт мусобақалари олдидан тиббий кўрикдан ўтказилишини назарда тутди (соатлар сеткасидан ташқари).

20. Таълим сифати ва спорт тайёргарлик даражасини назорат қилиш тасдиқланган давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясидан ўтган Марказнинг 9-синф битирувчиларига таянч ўрта таълим ва 11-синф битирувчиларига давлат намунасидаги умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома, профессионал таълим даражаси битирувчиларига профессионал таълим босқичини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

Вазирлик буюртмасига асосан Давлат намунасидаги шаҳодатнома Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан, профессионал таълим тўғрисидаги диплом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан олинади.

22. Марказда ўқиш, спорт тайёргарлиги, овқатланиш, тиббий даволаниш, меҳнат ва дам олиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ўқувчилар яшаш шароитлари, шунингдек, уларнинг таъминоти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Марказ ўқувчиларининг спорт маҳорати даражасини ошириш мақсадида жами 60 кун давом этадиган, шу жумладан, қишки таътил вақтида (15 кун), ёзги таътил вақтида (45 кун) ўқув-машқ йиғинларини ўтказган ҳолда ўқувчиларнинг фаол дам олишлари ташкил этилади.

Ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш билан боғлиқ маблағлар Марказнинг йиллик сметаси доирасида ажратилади.

24. Ўқувчилар умумтаълим фанларини ўқитиш бўйича синфларга, ўрта махсус профессионал таълим босқичида гуруҳларга, спорт тайёргарлиги йўналишлари бўйича эса спорт бўлимларига бирлашади.

Марказда ўқув синфлари (гуруҳлари)да ўқувчилар сони қуйидагича белгиланади:

профессионал таълим босқичида – камида 12 нафар;

умумий ўрта таълим босқичида – 25 нафар;

ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун – талабдан келиб чиқиб 12 нафар.

Зарур ҳолларда ногиронлиги бўлган ўқувчиларни ўқитиш бўйича талабдан келиб чиқиб, Вазирлик рухсати билан гуруҳдаги ўқувчилар сони 12 нафардан кам бўлиши мумкин.

25. Ўқув режасидаги фанларни ўзлаштирган, шунингдек (босқичли назорат), имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчилар навбатдаги синф (босқич)га Марказ директорининг буйруғи билан ўтказилади. Кейинги синф (босқич)га шартли равишда ўтказишга йўл қўйилмайди.

26. Марказ ўқувчиларининг спорт тайёргарлик даражаси ўсиб боришини, спорт мусобақаларида эришган натижаларини таҳлил қилиш, ўқув режасида белгиланган фанларни ўзлаштириши, ўқувчилар турар жойида тартиб-интизом талабларига риоя этишини, жамоатчилик ишларида қатнашганлик даражасини аниқлаш мақсадида ўқув йили давомида икки марта аттестация ўтказилади.

5-боб. Марказни бошқариш

27. Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва бирхиллаштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш, мутахассисларни тайёрлаш Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади.

28. Марказга олий маълумотга ва спорт-таълим муассасаларида камида 5 йил амалий иш тажрибасига ҳамда раҳбарлик салоҳиятига эга шахслар орасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод қилинган директор бошчилиги қилади.

29. Директор:

а) Вазирлик билан келишган ҳолда ўринбосарларини тайинлайди (спорт ишлари бўйича директор ўринбосари бундан мустасно), ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

б) Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ўқувчиларнинг ўқиши ва тарбияланиши, ўқув режалари ва дастурлари бажарилиши, молия-хўжалик фаолияти амалга оширилиши учун жавоб беради, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ходимларнинг штат жадвалини ҳамда тренерлар, ўқитувчилар таркибининг тарификация жадвалини тасдиқлайди;

в) Марказ номидан иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг мол-мулкини тасарруф этади ва шартномалар тузади;

г) Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, таълим муассасасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

д) ўз ваколатлари доирасида Марказ ўқувчилари ва барча ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

е) Марказнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқув-машқ ва ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, малакали педагог кадрлар, тренерлар билан бутлаш ҳамда Марказ фаолияти бўйича айрим масалаларни кўриб чиқиш учун давлат бошқаруви органларига таклифлар киритади;

ж) педагоглар ва бошқа барча ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузади ва уларни бекор қилади;

з) спорт ишлари бўйича директор ўринбосари ва тренерлари билан биргаликда ҳар ярим йилда камида бир марта умумий ўрта таълим мактабларига бевосита ташриф буюриб, иқтидорли ёшларни Марказга жалб қилиш бўйича селекция ишларини амалга оширади;

и) халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва жамоатчилик вакилларига Марказда амалга оширилган қуйидаги вазифалар юзасидан ҳар йил якуни бўйича ҳисобот беради:

жорий йилда ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши;

давлат буюртмасига асосан разрядли ва унвонли спортчилар тайёрлаш;

йил давомида амалга оширилган селекция ишлари;

спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг асосий ва захира таркибига етказиб берилган ўқувчилар;

Марказда тайёрланган фан олимпиадалари, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё, Ўзбекистон чемпионатлари (кубоклари)нинг ғолиб ва совриндорлари.

Директор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

30. Марказда директор раҳбарлигида коллегиал орган ҳисобланадиган Педагогика кенгаши ташкил этилади.

Педагогика кенгашининг йиғилиши ҳар чорақда камида бир маротаба ўтказилади.

Педагогика кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари Марказ уставида белгиланади.

Марказнинг раҳбар ва мутахассис ходимларига, шу жумладан, фан ўқитувчилари, тарбиячилар, тренерлар ва тиббиёт ходимларига қўйиладиган лавозим малака талаблари Вазирлик томонидан тасдиқланади.

31. Марказда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларида иборат Васийлик кенгаши тузилади.

Марказнинг Васийлик кенгашига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қилади.

32. Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида малакали тренер ва хорижий экспертлар, шунингдек, спорт соҳасида юқори тажриба ва кўникмага эга бўлган мутахассислардан иборат таркибда Тренерлар кенгаши ташкил этилади.

Олимпия ва Паралимпия коллежларининг 1-курсига Олимпия мактабларини муваффақиятли битирган ўқувчилар, шунингдек, умумтаълим мактабларининг 11-синф битирувчилари орасидан Тренерлар кенгаши ҳулосасига мувофиқ мусобақаларда энг юқори натижага эришган спортчилар танлов асосида қабул қилинади.

Тренерлар кенгаши йиғилиши бир йилда камида икки маротаба ўтказилади, Марказлар фаолияти таҳлилий кўриб чиқилади ҳамда аниқланган муаммолар ва йўл қўйилган камчиликлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

Тренерлар кенгаши таркиби, унинг вазифа ва функциялари ҳамда унинг фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ бошқа масалалар спортни ривожлантириш вазирининг буйруғи билан белгиланади.

33. Марказни аттестациядан ва аккредитациядан ўтказиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Марказда таълим жараёни қатнашчилари

34. Ўқитувчилар, тренерлар, психолог ва спорт психологлари, инструктор-методистлар, тарбиячилар, тиббиёт ходимлари ва ўқувчилар таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

35. Марказ ўқувчилари давлат таълим стандартларига мувофиқ бепул таълим олиш, қўшимча таълим хизматларидан фойдаланиш, таълим муассасасининг уставида белгиланган шаклда таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Марказ ўқувчилари Марказнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилишлари шарт.

36. Марказга қабул қилинган ўқувчилар:

умумий ўрта таълим, профессионал таълим, умумқасбий ҳамда махсус спорт фанлари бўйича ўқиш;

ўқув-машқ жараёнида ва мусобақаларда иштирок этиш;

ўқувчилар учун бир кунлик озик-овқат меъёрларига мувофиқ ҳафта кунлари давомида доимий озик-овқат билан таъминланиш (истеъмол қилиш);

Марказ моддий-техника базаси ва мол-мулкидан бепул фойдаланиш;

ўқувчилар турар жойида бепул яшаш;

белгиланган тартибда ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчиришга ҳақли.

37. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислигига, касбий тайёргарлик ва юксак ахлоқий фазилатга эга бўлган шахслар Марказда педагогик (тренерлик) фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

38. Ўқитувчилар ва тренерлар, тарбиячилар ва тиббиёт ходимларини Марказга ишга қабул қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Марказнинг ўқитувчилар ва тренерлар таркиби, психолог, спорт психологи, тарбиячилар ва тиббиёт пункти ходимларини аттестациядан ўтказиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

40. Ўқитувчилар ва тренерларнинг педагогик (тренерлик) юклагаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

41. Ўқитувчилар, тренерлар, психологлар, спорт психологлари, тарбиячилар, тиббиёт пункти ходимлари таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Педагоглари янги методикаларга ўргатиш миллий марказларида спорт-таълим муассасаларининг психологлари, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг филиалларида спорт-таълим муассасаларининг спорт психологлари,

тарбиячилари таркиби малакасини ошириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул амалга оширилади.

42. Педагог ходимлар ва тренерларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатларига ва Марказ уставига мувофиқ белгиланади.

43. Ўқувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) Марказнинг таълим фаолияти билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

7-боб. Марказни тиббий-биологик таъминлаш

44. Тиббиёт пункти ходимлари тренерлар билан биргаликда спорт машғулотлари, ўқув-машқ йиғинлари, мусобақалар, дам олиш даврида Марказ ўқувчиларини тиббий назоратдан ўтказадилар. Тиббий кузатувлар натижасидан тренерлар спортчилар тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаларига тузатишлар киритиш учун фойдаланадилар.

45. Ўқув йили давомида ўқувчилар икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

46. Марказ ўқувчиларни тиббий таъминлаш мақсадида функционал ташхис ва саломатликни тиклаш тадбирлари учун саломатликни тиклаш марказига, зарур бино ва асбоб-ускуналарга эга бўлади.

47. Вазирлик ҳамда Марказ спортчиларнинг функционал тайёргарлиги ҳолати юзасидан ташхис қўйиш, даволаш-профилактика тадбирлари ва ўқувчининг саломатлигини тиклаш жараёнларини мақбуллаштириш, чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш учун Марказни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида тегишли аппаратлар, зарур реактивлар ва дори воситалари билан бепул таъминлайди.

8-боб. Марказни кийим-бош, спорт анжомлари ва инвентарлар билан таъминлаш

48. Вазирлик ҳамда Марказ ўқувчиларни Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси учун ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобидан кийим-бош, спорт анжомлари ва инвентарлар билан таъминлайди.

49. Марказ ўқувчиларини кийим-бош, спорт анжомлари ва инвентарлар билан таъминлаш меъёрлари Вазирлик томонидан тасдиқланади.

9-боб. Марказ фаолиятини молиявий ва моддий таъминлаш

50. Марказ фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар маҳаллий бюджетлари маблағлари;

таълим хизматларини кўрсатишдан, педагогика, ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг уставларида белгиланган вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

51. Марказ белгиланган тартибда тасдиқланган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси ва тасдиқланган штат бирликлари асосида молиялаштирилади.

52. Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

53. Марказни тасдиқланган таълим стандартларига мувофиқ ўқув қуроллари, компьютер техникаси ва лаборатория анжомлари, спорт анжомлари ва инвентарлари, имконияти чекланган ногиронлиги бўлган ўқувчиларни зарур спорт ҳамда ўқув қуроллари билан таъминлаш Вазирлик ҳамда Марказ томонидан амалга оширилади.

54. Марказ ўқувчиларининг Вазирлик томонидан тасдиқланган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган спорт мусобақалари, ўқув-йиғин машғулотларидаги иштироки билан боғлиқ харажатлар (йўлқира, овқатланиш, ётоқхона) Вазирлар Маҳкамасининг “Терма жамоалар ҳамда уларнинг захирасини спорт мусобақаларига тайёрлашни, шунингдек уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 27 апрелдаги 121-сон қарорида белгиланган меъёрларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар маҳаллий бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

55. Марказ ўзининг молия-хўжалик фаолиятини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширади.

56. Марказнинг маблағлари, бинолари, спорт иншоотлари ва асбоб-ускуналари унинг мулки ҳисобланади ва улардан Марказ уставида белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади.

57. Марказ белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистик ва бухгалтерия ҳисоботларини юритади.

58. Марказда хўжалик ва молия интизомига риоя этилишини назорат қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

10-боб. Яқунловчи қоида

59. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” декабрдаги 731 -сон қарорига
3-илова

**Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига
ўқувчиларни қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш
ва уларнинг ўқишини кўчириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоида

1. Ушбу Низом Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига (кейинги ўринларда – Марказ) ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчириш тартибини белгилайди.

2. Марказга ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Марказга ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш

3. Марказга фақат олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича ўқувчи-спортчилар қабул қилинадилар, бундан миллий кураш ҳамда алоҳида Ҳукумат қарорлари билан белгиланган спорт турлари мустасно.

4. Ўқувчи-спортчилар марказнинг Олимпия мактабларига спортнинг олимпия турлари бўйича 5-синфга ва паралимпия турлари бўйича 10-синфга қабул қилинади.

Марказнинг 5-синфига спортнинг олимпия турлари бўйича спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари, спорт клублари ёки бошқа таълим муассасаларида спорт соғломлаштириш тайёргарлигидан ўтган ўқувчи-спортчилар, 10-синфига паралимпия турлари бўйича танлов асосида қабул қилинадилар.

Марказнинг профессионал таълим босқичи 1-босқичига Марказнинг 11-синф битирувчилари орасидан спорт такомиллаштириш босқичининг биринчи йил тайёргарлигидан ўтган, Ўзбекистон спорт усталигига номзод разрядига ёки Ўзбекистон спорт устаси, Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси унвонига эга бўлган ўқувчи-спортчилар ўқув йили аттестация якунига кўра Марказ директорининг буйруғига асосан (спортнинг ўйин турлари бундан мустасно), шунингдек, умумтаълим мактабларининг 11-синф битирувчилари орасидан спорт такомиллаштириш босқичининг биринчи йил тайёргарлигидан ўтган, Ўзбекистон спорт усталигига номзод разрядига Ўзбекистон спорт устаси, Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси унвонига эга бўлган иқтидорли спортчилар танлов асосида Марказ директорининг буйруғига асосан қабул қилинадилар, спортнинг ўйин турлари бундан мустасно;

спортнинг ўйин турлари бўйича Марказнинг профессионал таълим босқичининг 1-босқичига Марказнинг 11-синф битирувчилари орасидан спорт

такомиллаштириш босқичининг биринчи йил тайёргарлигидан ўтган, камида биринчи спорт разряди эга бўлган ўқувчи-спортчилар ўқув йили аттестация якунига кўра, шунингдек, умумтаълим мактабларининг 11-синф битирувчилари орасидан спорт такомиллаштириш босқичининг биринчи йил тайёргарлигидан ўтган, камида биринчи спорт разряди эга бўлган иқтидорли спортчилар танлов асосида Марказ директорининг буйруғига асосан қабул қилинадилар.

5. Паралимпия спорт турлари бўйича ўқувчи-спортчилар Марказнинг профессионал таълим босқичининг 1-босқичига IPC (Халқаро паралимпия кўмитаси), IBSA (Халқаро кўзи ожизлар спорти федерацияси) тиббий-функционал талаблари, Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (ТИЭК) хулосасига асосан Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси тавсиясига кўра танлов асосида қабул қилинади.

6. Марказда спорт турлари бўйича ўқувчи-спортчилар контингенти ва қабул режаси спорт турининг хусусиятидан (вазн тоифаси, спортчилар сони, шу жумладан спортчи аёллар сони, жамоавий спорт турлари бўйича тегишли спорт турида иштирок этадиган спортчилар сони ва бошқалар) келиб чиқиб шакллантирилади.

7. Марказга ўқувчи-спортчилар қабулини самарали ташкил қилиш мақсадида таълим муассасасида қабул комиссияси ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан қабул комиссияси раиси ва масъул котиби тасдиқланади. Қабул комиссияси аъзоларининг вазифалари қабул комиссияси раиси томонидан белгиланади.

8. Хужжатларни қабул қилиш, касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиш ҳамда касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини эълон қилиш тартиби Вазирлик томонидан белгиланади.

9. Марказга ўқишга кириш истагини билдирган ўқувчи-спортчилар қабул комиссиясига қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

ўқувчининг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан Марказ директори номига ариза;

тиббий маълумотномалар (Ф-026-у шаклдаги мактаб тиббий анкетаси, Ф-063-у шаклдаги профилактик эмлаш картаси, Ф-086-у шаклдаги тиббий маълумотнома, қон, сийдик, гижжа тухуми таҳлили, ЭКГ, 14 ёшдан бошлаб флюорография, турар жойидан болалар врачидан кечирган касалликлари тўғрисидаги маълумотнома, якка кураш турлари учун умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел қисмларининг икки проекциядаги рентген расми ҳамда травматолог хулосаси);

спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари, спорт клублари ёки бошқа спорт таълим муассасалари томонидан берилган йўлланма;

спорт разряди ёки унвонини тасдиқловчи хужжатнинг асл нусхаси ҳамда спорт разряди ёки унвони тасдиқланганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма.

10. Паралимпия спорт турлари бўйича Марказга ўқишга кириш истагини билдирган ўқувчи-спортчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан марказ директори номига ариза ва ёзма розилиги;

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (ТИЭК)нинг хулосаси;

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг тавсияномаси.

11. Ҳужжатлар қабул комиссиясига ўқишга кирувчи томонидан шахсан тақдим этилади.

12. Мазкур Низомнинг 9 ва 10-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда қабул комиссияси ўқувчи-спортчиларнинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

3-боб. Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш

13. Касбий (ижодий) имтиҳонлар икки босқичда: умумий ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш асосида амалга оширилади.

14. Касбий (ижодий) имтиҳонлар 100 баллик тизим бўйича баҳоланади, умумий жисмоний тайёргарлик учун – 30 балл ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик учун – 70 балл ажратилади.

Марказга ўқиш истагини билдирган ўқувчи-спортчилар кириш имтиҳонларининг энг юқори балидан камида қирқ фоизини тўплаган тақдирда, кетма-кетлик тартибида тақсимланади.

Бунда Марказга кириш учун энг паст балл 40 балл этиб белгиланади.

15. Олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар меъёрлари ва баҳолаш мезонлари Вазирлик томонидан тасдиқланади.

16. Вазирлик томонидан ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш учун ташкил этилган қабул комиссияси иш фаолиятини назорат қилиб бориш мақсадида, тегишли спорт турлари бўйича тренер ва мутахассислардан иборат бўлган ишчи гуруҳ шакллантирилиши мумкин.

17. Касбий (ижодий) имтиҳон натижалари эълон қилинган кундан бошлаб имтиҳондан ўтмаган ўқувчи-спортчиларнинг ҳужжатлари уларнинг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга қайтариб берилади.

18. Спортнинг олимпия ва паралимпия дастурларига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ва кубоги ғолиб ва совриндорлари (1–3-ўринлар), Ўзбекистон Республикасининг олимпия спорт турлари бўйича спорт терма жамоалари аъзолигига ҳамда уларнинг захирасига кирган спортчилар марказнинг 5-синфига, шунингдек, паралимпия спорт турлари бўйича 10-синфига имтиҳон синовларисиз имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Касбий (ижодий) имтиҳонларни ушбу Низомга мувофиқ ташкил этиш ва адолатли ўтказиш масъулияти, шу жумладан уларни видео тасвирга олиш қабул комиссияси раиси, масъул котиби, унинг ўринбосари, спорт тури бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва аъзолари зиммасига юкланади.

19. Қабул комиссияси қарори асосида ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш тўғрисида Марказ директори томонидан буйруқ қабул қилинади ва ўқувчи-спортчиларнинг шахсий ҳужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

20. Марказга ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш жараёнини ёритиш, шунингдек, ўқувчи-спортчилар қабулининг шаффоф, ошқора ва демократик тамойиллар асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида онлайн видеокузатув олиб (ёзиб) борилади, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳам жалб қилиниши мумкин.

21. Касбий (ижодий) имтиҳон натижаларидан норози бўлган шахслар танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда Марказнинг қабул комиссиясига ёзма ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Касбий (ижодий) имтиҳон натижаларидан норози бўлган фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун уч нафар мутахассислардан иборат апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси уч кун муддатда аризани ва имтиҳон ҳужжатларини кўриб чиқиб, қабул комиссиясига ёзма ҳисобот топширади.

4-боб. Марказда спорт турлари бўйича таҳсил олувчи ўқувчи-спортчиларни аттестациядан ўтказиш

22. Марказ ўқувчи-спортчиларини ўқув йили давомида икки марта (қишки ва ёзги) аттестациядан ўтказиш орқали ҳолисона баҳо бериш ва уларни синфдан-синфга (курсдан-курсга) ўтказиш ҳамда ўтказилган аттестация натижасида қайд этилган талабларга жавоб бермаган ўқувчи-спортчиларни ўқишдан четлатиш Марказ директорининг буйруғи асосида тузилган аттестация комиссияси қарорига кўра амалга оширилади.

23. Аттестация Марказ ўқувчисининг ўқув йили давомидаги спорт тайёргарлиги даражасининг ўсиб боришини таҳлил қилиш, Вазирликнинг спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига мувофиқ ўтказиладиган спорт мусобақаларида эришган натижалари, ўқув режасида белгиланган фанларни ўзлаштириши, ўқувчи-спортчилар турар жойида тартиб-интизом талабларига риоя этиши, жамоатчилик ишларида қатнашганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

24. Аттестация комиссияси аъзолари сони 7 ёки 9 кишини ташкил этади. Бунда Марказ директори – комиссия раиси, директорнинг спорт ишлари бўйича ўринбосари – комиссия раиси ўринбосари ҳисобланади. Комиссиянинг қолган аъзолари директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича, ўқув ишлари

бўйича ўринбосарлари, ўқув бўлими мудирлари, синф раҳбарлари, тренерлар, тиббиёт пункти мудирлари, инструктор-методистлар ва спорт психологларидан шакллантирилади. Зарур ҳолларда аттестация комиссияси таркибига спорт-таълим муассасалари ҳамда спорт турлари бўйича федерация (уюшма)лар мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

25. Спорт турлари бўйича тренерлар аттестация бошланишидан камида ўн кун олдин аттестациядан ўтувчиларнинг аттестацияга оид маълумотлари ва ҳужжатларини тўплайди ҳамда аттестация комиссиясига тақдим этади.

26. Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтувчи ўқувчи-спортчиларнинг куйидаги ҳужжатлари кўриб чиқилади:

йил (ўқув йили) давомида эришган натижалари;

йил бошидаги ва аттестация ўтказилаётган вақтдаги спорт разряди ёки унвони;

йил давомида қатнашган мусобақалари сони ва кўрсатган натижалари таҳлили;

терма жамоага алоқадорлик даражаси;

кўрсатган энг яхши натижаси;

тренерлар жамоасининг тавсияси;

йил (ўқув йили) давомида ўқув фанларини ўзлаштириши;

йил (ўқув йили) давомида ўқувчи-спортчилар турар жойида ички тартиб-қоидаларга риоя этиши;

соғлиғи тўғрисида шифокор хулосаси;

паралимпия спорт турлари бўйича таълим олаётган ўқувчи-спортчиларнинг IPC (Халқаро паралимпия кўмитаси), IBSA (Халқаро кўзи ожизлар спорти федерацияси) функционал-тиббий синфлари талабларига мослиги.

27. Аттестациядан ўтувчи ўқувчи-спортчиларнинг аттестация варақаси ҳужжатлари бўлим инструктор-методисти ҳамда бош тренерлар томонидан Аттестация комиссиясига тақдим этилади. Аттестация комиссияси ҳужжатларни таҳлил қилиб, аттестациядан ўтувчининг спорт, маънавий-маърифий ва ўқиш жараёнидаги фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш асосида маълумотнома-аттестация варақасини тайёрлайди.

28. Аттестация варақаси спорт турлари бўйича бош тренер, ўқувчининг шахсий тренери, бўлим инструктор-методисти, бўлим тарбиячиси, синф раҳбари ва шифокор томонидан имзоланади.

29. Аттестация натижалари бўйича аттестация комиссиянинг қарори комиссия аъзолари томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

30. Аттестация комиссияси қарори аттестация варағига ёзилади ва аттестациядан ўтувчига тўғридан-тўғри аттестациядан сўнг эълон қилинади.

31. Аттестация натижаларига кўра комиссия қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади: “лойик” ёки “нолойик”.

Аттестация комиссияси қарори баённомалар билан расмийлаштирилади ва улар асосида тегишли буйруқлар чиқарилади ва ўқувчига Марказ томонидан маълум қилинади.

32. Аттестация ўтказиладиган ўқиш даврида ўқув фанларидан бирини ўзлаштира олмаган ўқувчи-спортчига нисбатан комиссия “нолойик” деб хулоса қабул қилиши лозим.

33. Аттестациядан ўтувчи аттестацияга узрли сабаб (бетоблиги туфайли ёки яқин қариндоши вафот этган ҳолларда) билан келмаган тақдирда, аттестациядан ўтказиш бошқа муддатга кўчирилади.

34. Аттестациядан ўтувчи аттестацияга узрли сабабларсиз келмаган тақдирда, аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ҳамда ўқувчи-спортчилар сафидан четлаштирилади.

35. Аттестация яқунларига кўра ўқувчи-спортчилар сафидан чиқарилган ўқувчи-спортчилар ўрнини тўлдириш спорт турлари бўйича тасдиқланган ўқувчи-спортчилар контингентидан чиқмаган ҳолда, ҳар ой якуни бўйича Марказ қабул комиссияси томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5-боб. Олимпия спорт турлари бўйича ўқувчининг ўқишини Марказлардан бошқа таълим муассасасига кўчириш ва ўқишдан четлаштириш

36. Марказнинг 1-босқичи ўқувчи-спортчисининг ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчириш ва 2-босқичи ўқувчи-спортчисини ўқишдан четлаштириш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) ўз хоҳишига кўра (ота-онасининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма аризаси асосида);

б) аттестация комиссиясининг қарорига кўра;

в) тиббий номувофиқлик бўлганда – шифокор хулосасига кўра;

д) паралимпия спорт турлари бўйича таълим олаётган ўқувчи-спортчиларнинг ИПС (Халқаро паралимпия кўмитаси), IBSA (Халқаро кўзи ожизлар спорти федерацияси) функционал-тиббий синфлари талабларига мос келмаганда;

е) ўқув интизоми ва ички тартиб-қоидаларни бузганда, тегишли норматив талабларни топширмаганда, спорт натижаси пасайганда, шу жумладан спорт одоби, спорт тайёргарлиги режими бузилган, тақиқланган фармокологик, алкоғолли ва гиёҳванд воситалар қўлланилган тақдирда-педагогик кенгашнинг қарорига мувофиқ.

Мазкур банднинг “б”, “в”, “г”, “д” ва “е” кичик бандларида кўрсатилган ҳолларда ўқувчининг ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчиришда ёки уни

Ўқишдан четлаштиришда ўқувчи ёки унинг ота-онасининг розилиги талаб этилмайди.

37. Ўқувчи-спортчилар сафидан четлатилган ўқувчи тўғрисидаги маълумотлар Марказ директори томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда тегишли Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларига тақдим этилади.

6-боб. Яқуний қоидалар

38. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш
марказларига ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш,
аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ўқишини кўчириш
тартиби тўғрисида низомга
илова

**Марказга ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш
схемаси**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Қабул комиссияси	1. Марказга қабул қилиш тартиби, хужжатларни топшириш муддатлари ва квоталари тўғрисида ОАВда эълон беради. 2. Марказга қабул қилиш тартиби, хужжатларни топшириш муддатлари ва квоталари тўғрисида Марказнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтида эълон қилади.	Хужжатларни қабул қилиш бошланишидан камида 10 кун олдин
2-босқич	Ариза берувчи (ўқувчининг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)	Марказга ариза билан мурожаат қилади ва тегишли хужжатларни тақдим этади.	Белгиланган муддатларда
3-босқич	Қабул комиссияси	1. Кириш имтиҳонларининг 1-босқичини (умумий жисмоний тайёргарлик) ўтказиши. 2. Кириш имтиҳонларининг 2-босқичини (махсус жисмоний тайёргарлик) ўтказиши. 3. Касбий (ижодий) имтиҳонлар 100 баллик тизим бўйича баҳоланади, умумий жисмоний тайёргарлик учун – 30 балл ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик учун – 70 балл ажратилади. 4. Марказга ўқиш кириш имтиҳонларининг энг юқори балидан камида қирқ фоизини тўплаган тақдирда, кетма-кетлик тартибида тақсимланади.	Тасдиқланган жадвал асосида
4-босқич	Марказ директори	Қабул комиссияси қарори асосида ўқувчи-спортчиларни Марказга ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ қабул қилади ва ўқувчи-спортчиларнинг шахсий хужжатларини расмийлаштирилади.	Кириш имтиҳонлари тугагандан сўнг 3 кун муддатда

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” декабрдаги 731 -сон қарорига
4-илова

**Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг
профессионал таълим босқичи битирувчиларини якуний давлат
аттестациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг (кейинги ўринларда – Марказ) олимпия ва паралимпия коллежлари (кейинги ўринларда – коллеж) битирувчилари учун якуний давлат аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

якуний давлат аттестацияси – битирувчиларнинг билим, малака ва улардан фойдаланиш кўникмаси даражасини давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини комплекс баҳолаш орқали битирувчиларга кичик мутахассис малака даражаси ва уларга коллежни тугатганлиги тўғрисида диплом бериш масаласини ҳал этувчи таълим сифатини назорат қилишнинг тури;

якуний давлат аттестацияси комиссияси (комиссия) – тегишли мутахассисликлар ва касблар бўйича ташкил этиладиган якуний давлат аттестациясини ўтказиш учун коллеж ходимлари, шунингдек, Олий спорт маҳорати институти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва унинг филиалларига ҳамда олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт фаолияти йўналишлари, иш берувчи ташкилотлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда ушбу ташкилотларнинг вакилларида иборат комиссия;

якуний давлат аттестация синовлари (аттестация синовлари) – коллежнинг ўқув режасидаги мутахассислик ва махсус фанларнинг мажмуи.

3. Қуйидагилар якуний давлат аттестациясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

битирувчиларнинг тегишли фанлар бўйича билим ва улардан фойдаланиш кўникмаси даражасини Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини комплекс баҳолаш;

олинган билимларни амалиётга қўллаш кўникмаларини ва касбий малакаларни шаклландирилганлик даражасини аниқлаш.

4. Аттестация якуни бўйича битирувчига Марказни тугатганлиги тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

2-боб. Комиссияни шакллантириш тартиби

5. Комиссия аъзолари таркиби камида 5 кишидан иборат бўлиб, унинг учдан икки қисми қатнашган тақдирда комиссия ваколатли ҳисобланади.

Комиссия аъзолари таркибига иш берувчи ташкилотлар, Миллий паралимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) вакиллари жалб қилинади.

Марказ директори комиссия таркибини шакллантириш жараёнида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

6. Комиссия раиси якуний давлат аттестация бошланишидан камида бир ой олдин Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг, комиссия аъзолари эса Марказ директорининг буйруғи билан икки ҳафта олдин тайинланади.

7. Комиссия раиси Марказда ишламаётган мутахассислардан бўлиши лозим. Бир шахс кетма-кет бир Марказда икки мартадан ортиқ комиссия раиси бўлиши мумкин эмас.

8. Комиссия аъзоси коллеж битирувчиларига ўзаро яқин қариндош, башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, якуний давлат аттестациясида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

9. Комиссия ўз фаолиятини мазкур Низом ва битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси ҳамда таълим мазмунига қўйилган Давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга йўналтирилган бошқа қонунчилик ҳужжатларига таянган ҳолда олиб боради.

10. Якуний давлат аттестациясида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ота-оналар вакиллари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

11. Комиссия ҳар йили якуний давлат аттестациясини ўтказиш давридан бошлаб кейинги ўқув йили бошлангунга қадар фаолият кўрсатади.

12. Марказ директори ва унинг ўринбосарлари якуний давлат аттестациясини ўз вақтида сифатли ўтказишга ҳамда комиссиянинг ишлаши учун зарур шароитларни яратишга масъул ҳисобланади.

3-боб. Якуний давлат аттестациясини ташкил этиш

13. Якуний давлат аттестацияси ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ ташкил этилади.

14. Якуний давлат аттестациясига тегишли ўқув режаси ва фан дастурларини тўлиқ тугатган ва ўқув режасида назарда тутилган барча синовлардан муваффақиятли ўтган битирувчилар қўйилади.

15. Якуний давлат аттестация синовларини топширишга тавсия этиладиган фанлар рўйхати ўқув режасида белгиланган фанлардан ўтказилади.

Мутахассислик бўйича якуний давлат аттестацияси синовларининг таркибий қисмлари ва уларни ўтказиш муддатлари ўқув режасида белгиланади.

16. Якуний давлат аттестациясини ўтказиш жадвали Марказ директори томонидан, қоида тариқасида, якуний давлат аттестацияси бошланишидан камида ўн беш кун олдин тасдиқланади.

17. Якуний давлат аттестацияси синовларининг намунавий савол ва топшириқлари мазмуни, ҳажми ва мураккаблик даражаси тегишли фаннинг Давлат таълим стандартига мувофиқ ўқув дастурида назарда тутилган материалларнинг битирувчилар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши шарт.

18. Якуний давлат аттестация синовларини ўтказиш шакли тўғрисидаги маълумот якуний давлат аттестацияси бошланишидан олти ой олдин битирувчилар эътиборига етказилади. Битирувчиларга тайёргарлик кўриш ҳамда маслаҳатлар бериш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилади.

19. Якуний давлат аттестацияси синовлари ёзма, тест ёки оғзаки усулда ташкил этилади ва ушбу тартиб таълим муассасаси педагогика кенгаши қарори асосида белгиланади ҳамда якуний давлат аттестацияси бошланишидан уч ой олдин битирувчилар эътиборига етказилади. Битирувчилар синов ўтказиладиган фанлар дастурлари билан таъминланадилар, уларга тайёргарлик кўриш ва маслаҳатлар бериш учун зарур шароитлар яратилади.

20. Якуний давлат аттестация синовларининг саволлари ўқув дастурлар мазмунини тўлиқ қамраб олган ҳолда Марказнинг тегишли услубий бирлашмалари томонидан шакллантирилади. Саволлар аттестация синовларидан бир ой олдин педагогика кенгашига тақдим этилади. Педагогика кенгаши томонидан саволлар уч иш куни давомида кўриб чиқилади ва тегишли хулосалар берилади.

21. Якуний давлат аттестация синовларининг саволлари фан дастурлари доирасида тузилиши ҳамда якуний давлат аттестация бошланишидан камида икки ҳафта олдин битирувчиларнинг эътиборига етказилиши лозим.

22. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари тегишли услубий бирлашмалар билан биргаликда битирувчилар сонидан келиб чиқиб ҳар бир варианты 25 та саволдан иборат, тўрт вариантли тест назорати саволлари вариантларини тузади ва уларнинг ошкор этилмаслигини таъминлайди.

23. Якуний давлат аттестацияси юқори даражада очиклик ва шаффоф тарзда ўтказилади, якуний давлат аттестацияси жараёнлари тўлиқ видеотасвирга ёзиб олинади.

24. Якуний давлат аттестациясига мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоблар, луғат, шпаргалкалар ва бошқа материаллар олиб кирган, шунингдек, якуний давлат аттестацияси

жараёнида улардан фойдаланган битирувчилар якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади.

Белгиланган тартибни бузган битирувчилар якуний давлат аттестациясидан четлаштирилади ҳамда комиссия аъзолари томонидан якуний давлат аттестациясидан четлаштириш бўйича ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

25. Якуний давлат аттестацияси натижалари баллар қўйиш йўли билан 100 баллик тизимда баҳоланади. Комиссия томонидан аттестация синовлари натижаларига кўра топшириқларнинг 86-100 фоизи тўғри бажарилган бўлса “аъло”, 71-85 фоизи тўғри бажарилса “яхши”, 56-70 фоизи тўғри бажарилса “қониқарли” баҳоланади.

Якуний давлат аттестацияси натижалари бўйича битирувчи 55 ва ундан кам балл тўплаган ҳолларда “қониқарсиз” баҳоланган деб ҳисобланади.

26. Комиссиянинг қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан, йиғилишда иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

27. Якуний давлат аттестацияси натижалари шу куннинг ўзида эълон қилинади ва комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланадиган, комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган йиғилиш баённомасида қайд этилади.

28. Ўқувчи аттестация синовларининг барчасидан муваффақиятли ўтгандан сўнг унга тегишли касбни эгаллаганлиги, Марказни тамомлаганлиги ва профессионал маълумот тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

Ўқув дастурларини ўзлаштиришда ўқув режасидаги барча фанларнинг камида 4/5 қисми бўйича 86 балл ва ундан юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 баллдан кам бўлмаган), шунингдек, якуний давлат аттестацияси синовларининг ҳар бири бўйича камида 86 балл ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлган ўқувчиларга “имтиёзли” диплом берилади.

Олимпия ва Паралимпия коллежлари битирувчилари спорт натижалари (қоида тариқасида, аъло ва яхши баҳоларга эга бўлган иқтидорли ўқувчи-спортчилар орасидан) асосида Олий спорт маҳорати институтига қабул қилинади.

29. Якуний давлат аттестация синовларининг биридан “қониқарсиз” баҳоланган ёки узрли сабабларга кўра аттестация синовларида иштирок этмаган битирувчи бошқа аттестация синовларини топшириш ҳуқуқидан маҳрум этилмайди.

30. Узрли сабабларга кўра якуний давлат аттестацияси синовларида қатнаша олмаган битирувчилар Марказ директорининг буйруғи билан комиссия иши якунланишига қадар бошқа муддатларда ўтказиладиган аттестация синовларига киритилади.

Битирувчининг яқин қариндошларидан бирининг (бобо-бувиси, ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси) вафот этиши, Вазирликнинг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига мувофиқ ташкил этилган республика ва халқаро миқёсдаги расмий спорт мусобақалари ва тадбирлари, шунингдек, ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этиши муносабати билан, шунингдек, соғлиғи туфайли тегишли тиббий кўрсатмага асосан аттестацияга қатнаша олмаслиги узрли сабаблар сифатида тан олинади.

Спорт мусобақаларига иштирок этиши режалаштирилган битирувчилар якуний давлат аттестацияси синовларини муддатидан олдин топширишларига рухсат берилади.

31. Коллежнинг белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқишнинг таълим дастурини бажарган, бироқ якуний давлат аттестациясида иштирок этмаган ёки унда “қониқарсиз” баҳоланган битирувчилар ўқиш муддати тугагандан сўнг, уч ўқув йили давомида бир марта якуний давлат аттестациясини қайта топшириш ҳуқуқига эга.

Муддатли ҳарбий хизматда бўлган вақт, 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун бериладиган таътил вақти мазкур уч йиллик муддатга кирмайди.

32. Якуний давлат аттестациясини қайта топшириш муддатида синовлардан ўта олмаган ёки якуний давлат аттестация синовларини қайта топшириш учун мурожаат қилмаган шахсга академик маълумотнома берилади.

4-боб. Якуний давлат аттестацияси натижаларини апелляция тартибида кўриб чиқиш

33. Якуний давлат аттестацияси жараёнида қўйилган баллдан норози бўлган битирувчилар якуний давлат аттестацияси натижалари эълон қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида апелляция комиссиясига мурожаат қилиши мумкин.

34. Якуний давлат аттестациясида олган балига эътироз билдирган битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

35. Апелляция комиссияси аттестация синовларида битирувчи берган жавобларни акс этган видеотасвирларни қайта кўриш орқали қайта текширувдан ўтказди. Апелляция комиссияси томонидан битирувчини қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

Битирувчининг аризасини кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

қўйилган балларни ўзгаришсиз қолдириш;
қўйилган балларни ўзгартириш.

Битирувчининг апелляция шикоятини кўришда унинг илгари олган балини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

36. Апелляция комиссияси ўз хулосасини битирувчига шу куннинг ўзида маълум қилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

37. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Олимпия ва паралимпия спорт турларига
тайёрлаш марказларининг Олимпия ва
Паралимпия коллежлари битирувчиларини ўрта
махсус профессионал босқичида якуний давлат
аттестациясидан ўтказиш тартиби
тўғрисида низомга
1-илова

Марказда якуний давлат аттестациясини
ўтказиш ишларини ташкил этиш
схемаси

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазири	Комиссия раисини буйруқ асосида тайинлайди.	Аттестация бошланишидан камида 1 ой олдин
2-босқич	Марказ директори	1. Комиссия аъзоларини буйруқ асосида тайинлайди. 2. Якуний давлат аттестациясини ўтказиш жадвалини тасдиқлайди.	Аттестация бошланишидан камида 2 ҳафта олдин Якуний давлат аттестацияси бошланишидан камида 15 кун олдин
3-босқич	Якуний давлат аттестацияси комиссияси	1. Якуний давлат аттестация синовларини ўтказиш шакли тўғрисидаги маълумотларни битирувчиларга етказилади. 2. Битирувчиларга тайёргарлик кўриш ҳамда маслаҳатлар бериш учун зарур бўлган барча шароитларни яратди.	Якуний давлат аттестацияси бошланишидан 6 ой олдин
4-босқич	Марказ педагогика кенгаши	1. Якуний давлат аттестацияси синовларини ёзма, тест ёки оғзаки усулда ташкил этиш тартибини белгилайди. 2. Тартибни битирувчилар эътиборига етказилади. 3. Битирувчиларни синов ўтказиладиган фанлар дастурлари билан таъминлайди.	Якуний давлат аттестацияси бошланишидан 3 ой олдин
5-босқич	Марказнинг тегишли услубий бирлашмалари	1. Якуний давлат аттестация синовларининг саволларини шакллантиради. 2. Саволларни педагогика кенгашига тақдим этилади	Аттестация синовларидан 1 ой олдин
6-босқич	Марказ педагогика кенгаши	1. Якуний давлат аттестация синовларининг саволларни кўриб чиқиш ва тегишли хулосалар берилади 2. Якуний давлат аттестация синовларининг саволларини битирувчиларнинг эътиборига етказилади.	3 иш куни давомида Якуний давлат аттестация бошланишидан

			камида 2 ҳафта олдин
7-босқич	Якуний давлат аттестацияси комиссияси	1. Якуний давлат аттестациясини ўтказди. 2. Якуний давлат аттестацияси натижаларини баённома билан тасдиқлайди ва эълон қилади.	Тасдиқланган жадвал асосида Якуний давлат аттестацияси тугаган куннинг ўзида
8-босқич	Марказ директори	Ўқувчи аттестация синовларининг барчасидан муваффақиятли ўтгандан сўнг унга тегишли касбни эгаллаганлиги, Марказни тамомлаганлиги ва профессионал маълумот тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.	Якуний аттестация синовларининг барчасидан муваффақиятли ўтгандан сўнг

Олимпия ва паралимпия спорт турларига
тайёрлаш марказларининг Олимпия ва
Паралимпия коллежлари битирувчиларини
ўрта махсус профессионал босқичида
яқуний давлат аттестациясидан ўтказиш
тартиби тўғрисида низомга
2-илова

Яқуний давлат аттестациясидан четлаштириш ҳақидаги
далолатнома

_____ ш.

“ ____ ” _____ 20__ йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар шуни тасдиқлаймизки, ўқувчи

_____ (Ф.И.Ш.)

қуйидаги сабабларга кўра яқуний давлат аттестациясидан четлаштирилди:

Тақиқланган воситалардан (уяли телефон, компьютер ҳамда бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, луғат, китоб, шпаргалка) фойдаланган;

Тақиқланган воситаларни (уяли телефон, компьютер ҳамда бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, луғат, китоб, шпаргалка) олиб кирган.

_____ (низомда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар)

Ўқувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг Олимпия ва Паралимпия коллежларида яқуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг _____ банди талаблари бузилган.

1. Комиссия раиси	_____ (Ф.И.Ш)	_____ (имзо)
2. Комиссия аъзоси	_____ (Ф.И.Ш)	_____ (имзо)
3. Комиссия аъзоси	_____ (Ф.И.Ш.)	_____ (имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” декабрдаги 731 -сон қарорига
5-илова

**Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари
ўқувчи-спортчилари учун суткалик озиқ-овқат
нормаси**

№	Маҳсулотлар номи	Грамм (брутто)
1.	Буғдой нони, 1-нав	600
2.	Буғдой уни, 1-нав	30
3.	Ёрма, макарон маҳсулотлари	160
4.	Қанд-шакар	100
5.	Асал	30
6.	Қандолатчилик маҳсулотлари	120
7.	Сариёғ	80
8.	Ўсимлик ёғи	30
9.	Сут-қатиқ	600
10.	Қаймоқ	50
11.	Творог	100
12.	Пишлоқ	50
13.	Гўшт, парранда гўшти	410
14.	Колбаса маҳсулотлари	70
15.	Балиқ	100
16.	Тухум (дона)	2
17.	Картошка	500
18.	Сабзавотлар, шу жумладан помидор пастаси	700
19.	Мева резаворлар, хўл мева, шарбатлар, витаминли ичимликлар	800
20.	Қуруқ мевалар, шу жумладан наматак 0,5 гр, баргак	50
21.	Чой	3
22.	Какао	5
23.	Йодланган туз	10
24.	Хамиртуруш	1
25.	Минерал газсиз сув	500
26.	Буғдой майсалари кукуни	3
	Оқсиллар	231,8
	Ёғлар	228,8
	Углеводлар	957,9
	Калорияси	6693,8

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” декабрдаги 731 -сон қарорига
6-илова

**Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари
бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг
намунавий штатлар жадвали**

№	Лавозимлар номи	Штат бирлиги сони
I. Бошқарув ходимлари		
1.	Директор	1
2.	Директорнинг спорт ишлари бўйича ўринбосари	1
3.	Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари	1
4.	Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	1
5.	Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1
6.	Ҳарбий чақириққача тайёргарлик раҳбари	1
II. Тиббиёт пункти		
7.	Спорт шифокори (Тиббиёт пункти мудир)	1
8.	Шифокор-диетолог	1
9.	Шифокор-педиатор	1
10.	Шифокор-травматолог	1
11.	Ҳамшира (олий тоифали)	2
12.	Ҳамшира (1-тоифали)	2
13.	Уқаловчи	2
14.	Санитарка (кичик тиббий ходим)	1
III. Ўқув-ёрдамчи ходимлар		
15.	Котиб-иш юритувчи	1
16.	Кадрлар бўйича бош инспектор	1
17.	Кадрлар ва ўқувчи-спортчилар бўйича инспектор	1
18.	Юрисконсулт	1
19.	Психолог	1,5
20.	Спорт психологи*	3
21.	Бош бухгалтер	1
22.	Бухгалтер**	2
23.	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги муҳандиси	1
24.	Ўқув бўлим мудир	1
25.	Спорт захирасини тайёрлаш ва мониторингини юритувчи бўлим катта инструктор-методисти	1
26.	Инструктор-методист**	5
27.	Бош ошпаз***	1
28.	Ошпаз***	7
29.	Ошхона ишчиси***	4
30.	Идиш ювувчи***	4
31.	Ёрдамчи ишчи***	1

№	Лавозимлар номи	Штат бирлиги сони
32.	Юкчи***	1
33.	Омборчи***	2
34.	Таъминот бўйича агент***	1
35.	Кир ювиш бўйича машинист***	2
36.	Дазмолчи (Гладильщик)***	1
37.	Катта тарбиячи	1
38.	Кийим ва чойшабларни таъмирлаш бўйича тикувчи	1
39.	Бино ва иншоотларни ташкил этиш, эксплуатация қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича муҳандис	1
40.	Кутубхоначи	2
41.	Видео-ёзув оператори	1

Изоҳ:

* спорт психологларидан бир нафари паралимпия бўлими ўқувчи-спортчилари учун ажратилади;

** амалдаги штат бирликлари ҳудудий олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари учун 2023/2024 ўқув йилига қадар, Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази учун бутун даврда ишлашига рухсат берилади;

*** ушбу лавозимлар аутсорсинг хизматига ўтганда киритилмайди.

1. От спорти тури мавжуд бўлган олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг қўшимча штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

2. Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида тиббий ходимлар штат бирликлари доирасида спорт фармакологи лавозими киритилиши мумкин.

3. Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлари учун алоҳида лавозимларни киритиш нормалари ушбу намунавий штатлар иловасига мувофиқ амалга оширилади.

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлар жадвалига илова

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлари учун алоҳида лавозимларни киритиш нормалари

1-боб. Умумий қоида

1. Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари (кейинги ўринларда – Марказ) бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларида назарда тутилмаган Марказнинг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг алоҳида лавозимлари мазкур меъёрларга мувофиқ киритилади.

2-боб. Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида алоҳида лавозимларни киритиш меъёрлари

2. Марказ ўқув режасида ўқув-лаборатория амалий машғулотлари ўтказилиши кўзда тутилган ҳамда амалий машғулотлар ўтказилиш учун жиҳозланган ҳар бир ўқув-лаборатория хонаси учун – 1,0 бирлик лаборант лавозими киритилади.

3. Марказнинг лингафон, компьютер ва ўқув-техника жиҳозлари ўрнатилган хоналарига хизмат кўрсатиш учун – 1,0 бирлик лингафон, компьютер ва ўқув-техника жиҳозларига хизмат кўрсатувчи техник лавозими киритилади.

4. Марказнинг гардероб хонасидаги мавжуд 250 та ва ундан ортиқ жиҳозланган кийим сақлаш жойлари учун – 1,0 бирлик гардеробчи (кийим сақловчи) лавозими мавсумий 5 ойга киритилади.

5. Марказнинг 2 500 кв.м ва ундан ортиқ қоплама тўшалган (асфальт, бетон, брусчатка) майдонини супуриш учун – 1,0 бирлик ҳовли супурувчи лавозими киритилади. Қоплама тўшалган майдоннинг кейинги ҳар 2 500 кв.м учун 1,0 бирликдан ҳовли супурувчи лавозими киритилади.

6. Марказнинг мевали боғ, гулзор ва кўкаламзорлаштирилган 0,5 га.дан 2,0 га.гача майдони учун – 1,0 бирлик, кейинги ҳар 2,0 га. майдон учун – 1,0 бирлик боғбон лавозими киритилади. Ижарага берилган майдон бундан мустасно.

7. Марказни кеча-кундуз кўриқлаш учун дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир кириш дарвоза постига 4,0 бирлик қоровул лавозими киритилади. Бунда, Марказ ҳудудидан ташқарида жойлашган биноларнинг ҳам ҳар бир дарвоза пости учун алоҳида 4,0 бирлик қоровул лавозими киритилади.

Марказни кеча-кундуз кўриқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4997-сон қарорига мувофиқ шартнома асосида кўриқлаш хизматларидан фойдаланиш мумкин.

8. Ҳар бир алоҳида бино, шу жумладан ўқувчилар турар жойи, спорт иншоотлари, футбол стадиони учун – алоҳида комендант 1,0 бирлик штат лавозими киритилади (очиқ спорт майдонлари бундан мустасно).

9. Бино, иншоотлар ва жиҳозларни жорий таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи:

электромонтёр лавозими 700 тагача ёритиш нуқталари (выключатель, розетка ва коробка) (таълим муассасаси балансида бўлган кўча ёритиш нуқталари ҳам ҳисобланади) учун – 0,5 бирлик, ҳар 700 та ёритиш нуқталари учун – 1,0 бирлик (бирок таълим муассасасида 3,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда);

чилангар (сантехник) лавозими – сув қувурлари, канализация ва иссиқлик қуввати билан жиҳозланган ҳар 2 800 кв.м. майдон учун – 1,0 бирлик (бирок таълим муассасасида 3,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда);

дурадгор лавозими – Марказ биносининг фойдаланиладиган 3 500 кв.м. ва ундан ортиқ майдони учун – 1,0 бирлик (таълим муассасасида 3,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда) киритилади.

Марказ балансидаги биноларнинг эксплуатация ишлари ихтисослаштирилган ташкилот томонидан шартнома асосида амалга оширилганда, иншоотлар ва жиҳозларни жорий таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи ишчилар лавозимлари киритилмайди.

10. Биноларнинг ички қисми, шу жумладан хизмат хоналари, йўлаклар, зинапоялар, мажлислар зали ва спорт зали ҳамда ўқув-аудитория (ётоқхонанинг ўқувчилар ётадиган хоналари бундан мустасно) майдонини тозаловчи фаррош лавозими ҳар 700 кв.м тозалаш майдони учун – 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

11. Биноларнинг ички қисмидаги, спорт залларидаги ҳожатхона ва чўмилиш хоналарини тозаловчи фаррош лавозими ҳар 50 кв.м тозалаш майдони учун – 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

12. Уй-жой коммунал хўжалик тизимига ўтказилмаган Марказларда иситиш мавсумида (5 ой) ўт ёқувчи лавозими:

локал иситиш тизимида кўмир, торф, мазут ва ҳоказолар билан иситиладиган ҳар бир қозонхонага ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун – 2,0 бирликдан, табиий газ ёқилғиси билан ишлайдиган ҳар бир қозонхоналарда (қозонхона ҳажмидан қатъий назар) кеча ва кундуз дам олиш, байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун – 1,0 бирликдан (бунда ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун – 1,0 бирлиги йил давомида сақланади);

алоҳида кичик қозонлар билан иситиладиган ҳар бир алоҳида манзилда жойлашган бинолар мажмуасига ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун қозонлар сони 6 тагача бўлса – 1,0 бирликдан, 6 ва ундан ортиқ бўлса – 2,0 бирликдан (бунда ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун – 1,0 бирлиги йил давомида сақланади);

иситиш печлари орқали иситиладиган муассасаларда ҳар 10 та печ учун – 1,0 бирликдан ва кейинги ҳар 5 – 9 та печ учун қўшимча 0,5 бирликдан (лекин муассаса учун 0,5 бирликдан кам бўлмаган ҳолда) киритилади.

13. Тарбиячи лавозими дам олиш ва байрам кунларида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда ҳар 25 нафар ўқувчиларга 1,0 бирлик ҳисобидан киритилади.

14. Жисмоний имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган ўқувчи-спортчиларни доимий кузатиб юриш мақсадида 12 нафар паралимпия ўқувчи-спортчилари учун иш вақти ҳисобга олинган ҳолда 1,0 бирлик ҳисобидан тарбиячи лавозими киритилади.

15. Марказнинг ҳар бир алоҳида жойлашган ўқувчилар турар жойи учун уларнинг ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун – 1,0 бирлик (бирок 4,0 бирлик ўрин алмашиш иш вақтидан ортиқ бўлмаган ҳолда) ўқувчилар турар жойининг навбатчи тарбиячиси лавозими киритилади.

16. Марказнинг ўқувчилар турар жойида 300 нафар ва ундан ортиқ ўқувчилар истиқомат қилаётган бўлса – 0,5 бирлик паспортчи лавозими киритилади.

17. Хўжалик бекаси лавозими Марказ ўқувчилар турар жойида яшовчи ўқувчилар сони 150 нафардан 300 нафаргача бўлса – 1,0 бирлик, 300 нафардан ортиқ бўлса – 2,0 бирлик штат киритилади.

18. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ енгил хизмат автомашиналари чекланган сонидан (лимитидан) келиб чиқиб, соз ҳолатдаги ҳар бир автотранспорт воситаси учун – 1,0 бирлик ҳайдовчи лавозими киритилади.

19. Марказ балансига киритилган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” мусобақасида ва бошқа спорт тадбирларида ғолиб бўлганлик учун берилган транспорт воситалари учун таълим муассасасининг харажатлар сметасида ёқилғи-мойлаш материаллари учун маблағлар режалаштирилиб, 1,0 бирлик ҳайдовчи лавозими киритилади. Таълим муассасаси раҳбари учун хизмат автомашинаси сифатида фойдаланилаётган транспорт воситалари бундан мустасно.

20. Марказ ўқувчиларининг турли хил тадбирларда хавфсиз қатнашишини таъминлаш учун мўлжалланган махсус автотранспорт (автобус) воситаси мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири учун алоҳида 1,0 бирлик автобус ҳайдовчиси лавозими киритилади.

21. Спорт иншоотлари, ёпиқ ва очиқ сув ҳавзаси ҳамда бассейнлари мавжуд бўлган Марказда 1,0 бирликдан ҳар бирига алоҳида сувдан қутқарувчи, таъмирловчи ва тозаловчи лавозимлари киритилади.

22. Ёпиқ ва очиқ сув ҳавзасида сув иншоотлари насос станцияси операторлари ҳамда бассейнлари мавжуд бўлган 1,0 бирликдан оператор кечакундуз ишлаш учун дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир алоҳида бино, иншоотлар учун 4,0 бирлик оператор лавозими киритилади.

23. Ёпиқ ва очиқ сув ҳавзасида сув иншоотларига алоҳида хлор билан ишлов берувчи 1,0 бирлик штат лавозими киритилади.

24. Марказ тиббиёт пункти учун ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун — 1,0 бирликдан тиббиёт пунктининг навбатчи ҳамшираси лавозими киритилади.

25. Футбол, камондан отиш майдони мавжуд бўлган Марказда ҳар бир алоҳида жойлашган футбол майдони, камондан отиш майдонини таъмирловчи ва тозаловчи учун – алоҳида 1,0 бирлик штат бирлиги киритилади.

26. Марказнинг балансидаги мавжуд соз ҳолатдаги трактор техникаси учун – 1,0 бирлик техникани бошқариш тракторист лавозими киритилади.

27. Ҳар бир алоҳида жойлашган спорт иншоотлари ва спорт майдонлари учун тозаловчи, таъмирловчи 1,0 бирлик штат бирлиги лавозими киритилади.

3-боб. Яқуний қоидалар

28. Ушбу меъёрлар асосида тузиладиган штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилишда, унга Марказнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар (ўқувчилар контингенти, бинолар сони, майдонлар ҳажми, филиаллар (агар мавжуд бўлса) тўғрисидаги маълумотлар) муассаса раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ҳолда илова қилинади.

29. Штатлар жадвалига бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг киритилишининг тўғрилиги ҳамда асосланганлиги юзасидан жавобгарлик ушбу таълим муассаса раҳбари ва бош ҳисобчиси зиммасига юкланади.

30. Штатлар жадвалини тузишда календарь йилнинг 1 январь ҳолатидаги рўйхатида мавжуд бўлган ўқувчилар сони ҳисобга олинади ҳамда ўқувчилар сони ўзгаришига кўра ўқув йилининг 1 сентябрь ҳолати бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” декабрдаги 731 -сон қарорига
7-илова

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг айрим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш меъёрлари ва тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилган Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари (кейинги ўринларда – Марказ) директорлари, директорнинг спорт ишлари бўйича ўринбосари, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари (кейинги ўринларда – директор ўринбосарлари), тренерлари, шунингдек, тиббиёт бўлими ходимлари, катта инструктор-методист, инструктор-методистлар ва спорт психологлари (кейинги ўринларда – марказнинг айрим ходимлари) меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари ва тартибини белгилайди.

2. Марказнинг:

директор, директор ўринбосарлари, профессионал таълим бўғини фан ўқитувчилари ва бошқа ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ходимлари иш ҳақи тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига, умумий ўрта таълимнинг таянч таълими бўғини фан ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори ҳамда “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

директор, директор ўринбосарлари, ҳарбий чақириққача тайёргарлик раҳбари ва кутубхоначининг базавий тариф ставкалари профессионал таълим муассасаларининг тегишли ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштирилади;

тиббиёт бўлими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига мувофиқ белгиланади;

тренерлар, инструктор-методист, спорт психологлариининг базавий тариф ставкаси миқдорлари мазкур Низомга иловага мувофиқ белгиланади.

бошқа тоифадаги ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Директор, директор ўринбосарлари, тренерлар ҳамда Марказнинг айрим ходимларининг иш ҳақи базавий тариф ставкаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Низомда белгиланган меъёрлар асосида устама ва кўшимчалардан ташкил топади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 18 майдаги ПҚ–5114-сон қарорига мувофиқ давлат спорт таълим муассасаларида паралимпия спорт турлари бўйича тренернинг лавозим маошини ҳисоблашда базавий тариф ставкалари бир ярим барабар миқдорида қўлланилади.

2-боб. Марказ ходимларига устамалар белгилаш

5. Директор, директор ўринбосарлари, тренерлар ва Марказнинг айрим ходимлари меҳнатига устамалар олимпия, паралимпия, миллий ва бошқа спорт турларидан (кейинги ўринларда – спорт турлари) юқори спорт натижаларига эришган ўқувчи-спортчига нисбатан қуйидаги фоизларда белгиланади:

Марказ ўқувчи-спортчиларининг спортдаги натижалари	Ўқувчи-спортчини тайёрлашда бевосита қатнашган ходимларга бир нафар ўқувчи-спортчи учун устама ҳақ миқдори, базавий тариф ставкасига нисбатан фоизларда		
	Директорга	Директор ўринбосарлари, катта инструктор-методист, инструктор-методистларга	Тиббиёт бўлими ходимлари ва спорт психологларига
Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, спорт турларидан жаҳон чемпионатлари ва кубоклари совриндори (I–III ўринлар)	10	8	7
Осиё ва Параосиё ўйинлари, спорт турларидан Осиё чемпионатлари ва кубоклари совриндори (I–III ўринлар)	7	6	6

Спорт турларидан Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари совриндори (I–III ўринлар)	6	5	4
Спорт турларидан барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий таркиби	5	4	3
Спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари захира таркиби	3	3	2

6. Директор, директор ўринбосарлари, Марказнинг айрим ходимлари учун белгиланган базавий тариф ставкасига қўшимча Марказ ўқувчи-спортчилари томонидан эришилган спорт натижаларини ҳисоблаган ҳолда 300 фоизгача ҳар ойлик устама ҳақ белгиланади.

7. Ўқувчи-спортчи бир вақтнинг ўзида турли спорт натижаларига эришган тақдирда, унга нисбатан фоиз белгилашда энг юқори даража ҳисобга олинади.

8. Мазкур Низомнинг 5 ва 6-бандларида назарда тутилган директор, директор ўринбосарлари, тренерлар ва Марказ айрим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашдаги ҳар ойлик устамалар директор ҳузуридаги коллегиял орган ҳисобланган Тренерлар кенгашининг қарорига асосан директорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

9. Лавозимга тайинланган ёки ишга қабул қилинганда устама ҳақ белгиланадиган директор, директор ўринбосарлари, тренерлар ва Марказ айрим ходимларининг ўқувчи-спортчиларни тайёрлашда ҳиссаси бўлмаган тақдирда, биринчи молия йили учун терма жамоанинг асосий ва захира таркибига киритилган ўқувчи-спортчилар ҳамда спорт тайёргарлик босқичига мос равишда 20-банднинг иккинчи хатбошисига, паралимпия спорт турлари бўйича тренерлар учун 22-банднинг иккинчи хатбошисига мувофиқ устама белгиланади.

10. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган устамалар ўқув ва календарь йили учун тренерлар тарификацияси ҳамда ходимлар штатлар жадвалида ўқувчи-спортчиларнинг олдинги йилда эришган спорт натижаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Йил давомида устамалар миқдорининг ўзгартирилиши тасдиқланган иш ҳақи фонди маблағлари доирасида амалга оширилади. Бунда, иш ҳақи фонди бўйича қўшимча маблағ талаб этиладиган ҳолатларда белгиланган тартибда иш ҳаққи фондига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

11. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг буйруғига асосан Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва кубоклари, паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари ва кубокларида совринли ўринларни (1–3 ўринлар) эгаллаган ўқувчи-спортчиларнинг тренерларига беш юз фоизгача миқдорда ҳар ойлик устама белгиланиши мумкин.

12. Директор, директор ўринбосари, Марказнинг айрим ходимлари ва тренерларига устамалар:

Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ва кубоклари, паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари ва кубоклари совриндорларини тайёрлаганлик учун – кўрсатиб ўтилган спорт мусобақаларида ўқувчи-спортчилар томонидан тегишли натижага (1–3 ўринлар) эришилган вақтдан бошлаб ушбу даражадаги кейинги халқаро мусобақалар (кейинги Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ва кубоклари, паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари ва кубоклари) ўтказилгунга қадар сақлаб қолинади;

Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари, паралимпия спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари совриндорларини тайёрлаганлик учун – кўрсатиб ўтилган спорт мусобақаларида ўқувчи-спортчи томонидан тегишли натижага (1–3 ўринлар) эришилган вақтдан бошлаб ушбу даражадаги мусобақалар ўтказилгунга қадар бироқ бир йилдан кўп бўлмаган муддатга сақланиб қолади;

ўқувчи-спортчи спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоасининг асосий ва захира таркибига киритилган ойнаинг биринчи санасидан эътиборан белгиланади ва ўқувчи-спортчининг жамоа таркибида бўладиган бутун даврида сақлаб қолинади.

13. Марказнинг айрим ходимларига ўқувчи-спортчининг спортдаги натижалари учун устамаларни тўлаш ўқувчи-спортчининг Марказ таркибидан расман чиқиб кетиш санасидан кейинги ойнаинг бошидан эътиборан тўхтатилади.

**3-боб. Марказда спорт тайёргарлик босқичлари,
ўқув-спорт гуруҳлари, унга қўйилган талаблар ва тренерларнинг
иш ҳажмини ҳисоблаш**

14. Спорт турлари тайёргарлик босқичлари қуйидагилардан иборат:

ўқув-машқ босқичи – бу босқичда спортнинг танланган тури бўйича бир йилдан кам бўлмаган тегишли тайёргарликдан ўтган ўқувчи-спортчилардан гуруҳлар шакллантирилади. Бу босқичда кейинги ўқув йилларига ўтказиш ўқувчи-спортчилар томонидан спорт разрядининг бажарилганлиги билан амалга оширилади;

спорт такомиллаштириш босқичи – ушбу босқичда ўқув-машқ босқичидан ўтган, спорт разряди талабларини бажарган ўқувчи-спортчилардан

гуруҳлар шакллантирилади. Бу босқичда кейинги ўқув йилларига ўтказиш спорт кўрсаткичлари динамикасининг ижобий ўсиши шарти билан амалга оширилади;

олий спорт маҳорати босқичи – ушбу босқичга спорт маҳоратини такомиллаштириш босқичидан ўтган, тегишли спорт разрядига эга бўлган ҳамда спортда барқарор юқори натижалар кўрсатадиган ўқувчи-спортчилардан гуруҳлар жамланади.

15. Спорт тайёргарлиги босқичлари бўйича ўқув гуруҳлари билан ўқув машғулот ишлари режими (ҳафтадаги академик соатлар) ва гуруҳлардаги ўқувчи-спортчилар сони қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

(Олимпия спорт турлари бўйича)

Ўқувчи-спортчилар тайёргарлигининг даражаси ва босқичлари	Ўқув йили	Ўқув гуруҳлари билан ўқув машғулот ишлари режими (ҳафтадаги академик соатлар*)	Спорт турлари гуруҳлари		
			I	II	III
			Ўқув гуруҳларининг тўлдирилиши (ўқувчи-спортчилар сони)		
Ўқув-машқ	1 йил	12	4-8	6-14	4-8
	2 йил	14			
	3 йил	18			
	3 йилдан кўп	20			
Спорт такомиллаштириш	1 йил	24	4-6	6-14	4-6
	2 йил	26			
	2 йилдан кўп	28			
Олий спорт маҳорати	Бутун давр	32	3-5	6-14	3-5

Изоҳ:

истисно тариқасида Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан спорт турлари бўйича тасдиқланган квоталарга мувофиқ гуруҳ шакллантирилади.

ўқув машғулотлари академик соат бўйича белгиланади, 1 академик соат – 45 дақиқадан иборат бўлади.

16. Ўқув йиллари бўйича меъерий талаблар спорт тайёргарлиги босқичлари бўйича спорт разрядлари талаби қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

Ўқувчи-спортчи тайёргарлигининг даражаси ва босқичлари	Ўқитиш йили	Ўқувчи-спортчига спорт разряди талаблари
		I–III спорт турлари гуруҳлари
Ўқув-машқ	1 йил	Спорт тайёргарлигининг умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) ва махсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) меъери мезон кўрсаткичларини бажарган ёки ўсмирлар учун иккинчи, учинчи спорт разряди
	2 йил	Спорт тайёргарлигининг УЖТ ва МЖТ меъери мезон кўрсаткичларини бажарган ёки ўсмирлар учун биринчи спорт разряди
	3 йил	Спорт тайёргарлигининг УЖТ ва МЖТ меъери мезон кўрсаткичларини бажарган ёки учинчи спорт разряди
	3 йилдан кўп	Спорт тайёргарлигининг УЖТ ва МЖТ меъери мезон кўрсаткичларини бажарган ёки иккинчи спорт разряди
Спорт такомиллаштириш	1 йил	Спорт тайёргарлигининг УЖТ ва МЖТ меъери мезон кўрсаткичларини бажарган ёки биринчи спорт разряди
	2 йил	Спорт тайёргарлигининг УЖТ ва МЖТ меъери мезон кўрсаткичларини бажарган ёки Ўзбекистон спорт усталигига номзод
	2 йилдан кўп	
Олий спорт маҳорати	Бутун давр	Спорт тайёргарлигининг УЖТ ва МЖТ меъери мезон кўрсаткичларини бажарган ёки Ўзбекистон спорт устаси, Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси

17. Спорт турлари гуруҳлар бўйича қуйидаги тартибда тақсимланади:
спорт турларининг биринчи гуруҳига – спортнинг жамоавий ўйин турларидан ташқари, спортнинг барча олимпия турлари;
спорт турларининг иккинчи гуруҳига – спортнинг жамоавий ўйин турлари;
спорт турларининг учинчи гуруҳига – спортнинг ноолимпия ва миллий турлари.

4-боб. Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари тренерининг иш ҳақини ҳисоблашдаги фоиз меъёрлари

18. Марказ тренерларига лавозим маошлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкасидан, белгиланган нормативларидан ёки ўқув машғулот ишларининг режалаштирилаётган ҳажмларидан, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган устама ва қўшимча ҳақлардан келиб чиққан ҳолда уларни ўқув ва календарь йили бошида тарификациялашда белгиланади.

19. Марказнинг тренерлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар бир ўқувчи учун меъёр бўйича амалга оширилади.

20. Бир нафар ўқувчига нисбатан Марказ тренерларининг меҳнатига ҳақ тўлашда тренернинг базавий тариф ставкасига нисбатан қуйидаги фоизлар белгиланади:

Спорт мусобақалари даражаси	Спорт натижаси	Ўқув даври	Бир нафар ўқувчи-спортчига нисбатан базавий тариф ставкасига белгиланадиган фоиз миқдори		
			I	II	III
I. Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг асосий ва захира таркибларига ҳамда республика ва халқаро мусобақаларга ўқувчи-спортчиларни тайёрлаш					
Спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий таркибига		бутун даврда	55 %	45 %	40 %
Спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари захира таркибига		бутун даврда	45 %	35 %	30 %
Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионати ва Кубоги совриндорлари (I–III ўрин)	1-ўрин	бутун даврда	200 %	200 %	200 %
	2-ўрин		180 %	180 %	180 %
	3-ўрин		160 %	160 %	160 %

Спорт мусобақалари даражаси	Спорт натижаси	Ўқув даври	Бир нафар ўқувчи-спортчига нисбатан базавий тариф ставкасига белгиланадиган фоиз миқдори		
			I	II	III
Осиё ўйинлари, Осиё чемпионати ва Кубоги совриндорлари (I–III ўрин)	1-ўрин	бутун даврда	150 %	140 %	130 %
	2-ўрин		140 %	130 %	120 %
	3-ўрин		130 %	120 %	110 %
Ўзбекистон Республикаси чемпионати ва Кубоги совриндорлари (I–III ўрин)	1-ўрин	бутун даврда	100 %	90 %	80 %
	2-ўрин		90 %	80 %	70 %
	3-ўрин		80 %	70 %	60 %
II. Спорт турлари бўйича спорт захираси тайёргарлиги босқичлари бўйича ўқувчи-спортчиларни тайёрлашда амалга ошириладиган фоизлар миқдори					
Ўқув-машқ	Бутун даврда		15 %	10 %	10 %
Спорт такомиллаштириш	Бутун даврда		30 %	15 %	20 %
Олий спорт маҳорати	Бутун даврда		40 %	25 %	35 %

Марказ тренерининг ўқув гуруҳидаги ўқувчи-спортчиларнинг ҳар бири учун эришилган спорт натижаларини ҳисобга олган ҳолда тренер-ўқитувчининг устама ва қўшимча ҳақларсиз лавозим маоши унга белгиланган базавий тариф ставкаси миқдорининг уч юз фоизидан ошмаслиги керак.

21. Паралимпия спорт турлари бўйича тайёргарлик босқичлари, функционал гуруҳлар, ўқув гуруҳларининг тўлдирилиши, ўқув юкламаларининг ҳажми қуйидаги жадвалга мувофиқ амалга оширилади:

(Паралимпия спорт турлари бўйича)

Ўқувчи-спортчилар тайёргарлигининг даражаси ва босқичлари	Ўқув йили	Ўқув гуруҳлари билан ўқув машғулотлари ишлари режими (ҳафтадаги академик соатлар*)	Спорт турлари гуруҳлари		
			I	II	III
Ўқув-машқ	1 йил	12	2-3	2-4	2-4
	2 йил	14			
	3 йил	18			
	3 йилдан кўп	20			

Спорт такомиллаштириш	1 йил	24	1-2	2-3	2-3
	2 йил	26			
	2 йилдан кўп	28			
Олий спорт маҳорати	Бутун давр	32	1-2	2-2	2-2

Изоҳ: футбол (5x5) спорт туридан жамоани шакллантиришда жамоа таркибини инобатга олган ҳолда 5-7 нафаргача спортчилардан гуруҳ шакллантиришга рухсат этилади.

22. Бир нафар спортчи учун марказнинг спорт турлари бўйича пара тренерлари меҳнатига ҳақ тўлаш нормативлари базавий тариф ставкасига нисбатан фоизлар ҳисобида қуйидаги миқдорларда белгиланади.

Спорт мусобақалари даражаси	Спорт натижаси	Ўқув даври	Бир нафар ўқувчи- спортчига нисбатан базавий тариф ставкасига белгиланадиган фоиз миқдори
I. Ўзбекистон Республикаси параспорт терма жамоаларининг асосий ва захира таркиблари, республика ва халқаро мусобақаларга ўқувчи-спортчиларни тайёрлаш			
Спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий таркибига		бутун даврда	100 %
Спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари захира таркибига		бутун даврда	90 %
Паралимпия ўйинлари, жаҳон чемпионати ва Кубоги совриндорлари (I–III ўрин)	1-ўрин	бутун даврда	200 %
	2-ўрин		190 %
	3-ўрин		180 %
Параолимпия ўйинлари, чемпионати ва Кубоги совриндорлари (I–III ўрин)	1-ўрин	бутун даврда	170 %
	2-ўрин		160 %
	3-ўрин		150 %
Ўзбекистон Республикаси чемпионати ва Кубоги совриндорлари (I–III ўрин)	1-ўрин	бутун даврда	140 %
	2-ўрин		130 %
	3-ўрин		120 %
II. Паралимпия спорт турлари бўйича спорт захираси тайёргарлиги босқичлари бўйича ўқувчи-спортчиларни тайёрлашда амалга ошириладиган фоизлар миқдори			
Ўқув-машқ		Бутун даврда	35 %

Спорт мусобақалари даражаси	Спорт натижаси	Ўқув даври	Бир нафар ўқувчи-спортчига нисбатан базавий тариф ставкасига белгиладиган фоиз миқдори
Спорт такомиллаштириш	Бутун даврда		45 %
Олий спорт маҳорати	Бутун даврда		60 %

23. Агар Марказнинг тренерлари меҳнатига ҳақ тўлаш нормативининг белгиланган миқдори амал қиладиган даврда унинг раҳбарлигида спорт тайёргарлигидан ўтаётган ўқувчи-спортчи спортдаги натижасини яхшиласа (масалан, Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг асосий ёки захира таркиби аъзоси, Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё ҳамда Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари, паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё ҳамда Ўзбекистон чемпионатлари ва кубокларида совриндори бўлса), тренерларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нормативи миқдори ўқувчи-спортчи ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, энг юқори кўрсаткич бўйича ҳисобланади.

24. Агар Марказнинг тренери меҳнатига ҳақ тўлашнинг белгиланган нормативи амал қиладиган даврда унинг раҳбарлигида спорт тайёргарлигидан ўтаётган ўқувчи-спортчи мазкур тренернинг ўқув гуруҳи таркибидан чиқиб кетса (бошқа тренер раҳбарлигидаги бошқа ўқув гуруҳига, бошқа спорт-таълим муассасасига ўтказилса, Марказни битирганда ва шу каби ҳолатларда), тренер меҳнатига ҳақ тўлаш нормативи миқдори:

спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг асосий таркибига спортчилар (стажёрлар) тайёрлаганлик учун ўқувчи-спортчи тренернинг ўқув гуруҳи таркибидан расман чиқиб кетган санадан кейинги ой бошидан эътиборан камайиш томонига қайта кўриб чиқилади;

Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё ҳамда Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари, паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё ҳамда Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари совриндорларини тайёрлаганлик учун ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган муддат мобайнида сақланиб қолади.

25. Ўқув гуруҳига йил мобайнида бошқа тренер раҳбарлигида, шунингдек, бошқа таълим муассасасидан ўқувчи-спортчилар сафига қабул қилинган, юқори спорт натижаларига эришган ўқувчи-спортчи ўтказилган Марказ тренерлари меҳнатига ҳақ тўлаш нормативи миқдори:

Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё ҳамда Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари, паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё ҳамда Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари ғолиб ёки совриндори бўлган ўқувчи-спортчи бириктирилган тренер раҳбарлигида

кўрсатиб ўтилган мусобақаларда такроран натижага эришгунга қадар белгиланмайди;

бошқа таълим муассасасидан ўқувчи-спортчилар сафига қабул қилинган ўқувчи-спортчи учун тренернинг меҳнатига ҳақ тўлаш, ўқувчи-спортчининг спорт тайёргарлик гуруҳига мос равишда расман ўқувчи-спортчилар сафига қабул қилинган санадан кейинги ой бошидан эътиборан белгиланади.

26. Спорт тайёргарлик фаолиятини амалга ошириш, юқори малакали ўқувчи-спортчиларни тайёрлашда самарадорликни ошириш мақсадида, Марказ тренерлари фаолияти қуйидагича ташкил этилиши мумкин:

ўқувчи-спортчилар билан ўтказиладиган ўқув-машқ жараёнига хореограф ва акробатика бўйича мутахассисларни жалб қилиш;

ўқув-машқ жараёнини олиб бориш учун ихтиёрийлик асосида бригадага бирикиш.

Бригадага жалб қилинган тренерлар ва ўқувчи-спортчилар таркиби Марказ тренерларининг умумий йиғилиши қарорига кўра Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Бригада иштирокида эришилган спорт натижаси, уларни тайёрлашдаги меҳнатга ҳақ тўлаш меъёри бригаданинг барча аъзоларига нисбатан ҳисобланиши мумкин.

Бригадага аъзо бўлган ҳар бир тренернинг ўқувчи-спортчини тайёрлашдаги улуши тренерларнинг умумий йиғилишида аниқланади ва Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

27. Марказ тренерларининг ўқув машғулотларга тайёргарлик кўриши, ташкилий ва тарбиявий ишларни олиб бориши, шунингдек, жамоани (ўқувчи-спортчини) мусобақага тайёрлаш учун сарфлаган вақтига қўшимча ҳақ тўланмайди. Тренерларнинг спорт тадбирларида (республика ва халқаро миқёсда) иштироки даврида ойлик иш ҳақи сақланиб қолинади.

28. Марказнинг спорт турлари бўйича катта тренерлари ва катта инструктор-методистларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида ҳар ойлик тўловлар белгиланади.

29. Фахрий унвонга эга бўлган тренерларга Вазирлар Маҳкамасининг “Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2008 йил 3 январдаги 2-сон қарорига асосан тўловлар белгиланади.

5-боб. Яқуний қоидалар

30. Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг асосий ва захира таркиби аъзолари қонунчилик ҳужжатларига кўра Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

31. Иш ҳақи ҳамда ҳар ойлик қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблаб чиқиш, тўлашнинг тўғрилиги ҳамда асосланганлиги юзасидан жавобгарлик Марказ раҳбари ва бош ҳисобчиси зиммасига юкланади.

32. Марказ директори, директор ўринбосарлари, тренерлари ва Марказнинг айрим ходимларига қўшимча ҳақ ва устамаларни тўлаш уларнинг иш ҳақини тўлаш билан бир вақтда амалга оширилади.

33. Марказ директори, директор ўринбосарлари, тренерлари ва Марказнинг айрим ходимларига иш ҳақи ҳамда ҳар ойлик қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилиги, ҳолисоналиги юзасидан назорат белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

34. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

35. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш
марказларининг айрим ходимлари меҳнатига
ҳақ тўлаш меъёрлари ва тартиби тўғрисида
илова

**Марказнинг инструктор-методисти, тренери, спорт психологи
ва ўқув бўлим мудирининг базавий тариф ставкалари
миқдорлари**

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий тариф ставкаси миқдорлари				
	Бош ёки олий малака тоифали	Етакчи ёки биринчи малака тоифали	Катта ёки иккинчи малака тоифали	Олий маълумотли	Ўрта махсус маълумотли
Инструктор- методист	1 932 431	1 805 143	1 689 451	1 574 476	-
Тренер	2 959 984	2 764 288	2 584 647	2 406 129	2 233 904
Спорт психологи	2 811 927	2 650 596	2 482 122	2 317 836	-
Ўқув бўлим мудир	Бош ўқитувчи базавий тариф ставкасига тенглаштирилади				

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” декабрдаги 731 -сон қарорига
8-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низомни ҳамда Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 6-сон, 44-модда):

а) 1-иловада:

7-банддаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“спортчиларнинг барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт терма жамоалари-тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармалари томонидан, спорт турлари бўйича тегишли ҳудудий федерация (ассоциациялар)нинг (улар мавжуд бўлса) тақдимномаси бўйича”;

13-банддаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда:

биринчи хатбошидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт терма жамоаларининг тренерлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармалари томонидан, спорт турлари бўйича тегишли ҳудудий федерация (ассоциациялар)нинг (улар мавжуд бўлса) ва/ёки жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тақдимномасига кўра тайинланади”;

15-банддаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

б-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“худудий календарь режа, у тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия-спорт бошқармалари, шунингдек, туман (шаҳар) спортни ривожлантириш бўлимлари томонидан шакллантирилади, худудий молия бошқармалари (бўлимлари) билан келишилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади”;

бешинчи хатбошидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда:

“а” кичик банддаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“в” кичик банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) худудий календарь режага киритиш учун – тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармаларига спорт турлари бўйича худудий спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан (улар мавжуд бўлса) ва (ёки) жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан;”

23-бандда:

иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“республика календарь режасини шакллантиришда – Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг, спорт турлари бўйича республика спорт федерациялари (уюшмалари)нинг, спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабларининг, шунингдек, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон миллий паралимпия кўмитасининг вакиллари киритилади. Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасини шакллантириш ва спорт турлари бўйича молиявий маблағларни тақсимлаш комиссияси таркиби Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланади;”;

тўртинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“худудий календарь режани шакллантиришда – Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармаларининг, туманлар (шаҳарлар) спортни ривожлантириш бўлимларининг, спорт турлари бўйича тегишли

худудий спорт федерациялари (уюшмалари)нинг (улар мавжуд бўлса) ва (ёки) жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг вакиллари киритилади;”

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасида “Баркамол авлод-2014” спорт мусобақалари ўтказилиши якунлари тўғрисида” 2014 йил 1 июлдаги 175-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚҚТ, 2014 й., 27-сон, 328-модда) 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги Миллий олимпия кўмитаси ва спорт федерациялари билан биргаликда Олимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган мамлакатларнинг халқаро тажрибасидан кенг фойдаланган, Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида мақсадли тайёрлаш учун ҳар бир вилоятдан ҳар йили танлаб олиш кўрсаткичини 100 кишигача етказган ҳолда спорт секцияси ва мактаб даражасидан бошлаб иқтидорли ва истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизими такомиллаштирилишини таъминласин”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида спортнинг миллий кураш турини янада ривожлантириш тўғрисида” 2015 йил 3 мартдаги 41-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 9-сон, 101-модда) 3-банди еттинчи хатбошисидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 4-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандидаги “олимпия захиралари коллежлари” сўзлари “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 331-сон қарори билан тасдиқланган 2018 – 2021 йилларда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 7, 14, 17, 29, 30, 31-позицияларининг “Амалга ошириладиган тадбирлар” устунидаги тегишли келишиқдаги “олимпия захиралари коллежлари” сўзлари тегишли келишиқдаги “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан, “Ижро учун масъуллар” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 2 июндаги 410-сон қарорининг 4-банди “а” кичик бандининг саккизинчи хатбошиси, “б” кичик бандининг учинчи хатбошисидаги “олимпия

ва паралимпия захиралари коллежлари” сўзлари “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 820-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши мавжуд олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг педагогик амалиёт ўташи белгиланган муассасалар рўйхатида:

1-позициянинг “Педагогик амалиётга юбориладиган муассасалар номи” устунидаги “олимпия захиралари коллежлари” сўзлари “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Андижон ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати” устуни “Андижон Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” устуни билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 мартдаги 118-сон қарори билан тасдиқланган Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

5-илованинг “Терма жамоалар ва спорт захираси” устунидаги “олимпия захираси коллежига” сўзлари “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-илованинг “Ташкилотлар, иш хусусиятлари” устунидаги “олимпия ва паралимпия захиралари коллежи”, “болалар-ўсмирлар спорт мактабларида” сўзлари тегишлича “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази”, “спорт мактабларида” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига спортчиларни саралаб олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 4 мартдаги 122-сон қарорида:

а) 2-иловада:

“Андижон вилояти” бўлимининг 1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1.	Андижон шаҳри	бокс Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази, 50-умумтаълим мактаби	футбол футбол академияси, болалар-ўсмирлар футбол мактаби	бадминтон, стол тенниси 2-сон спорт мактаби 32-умумтаълим мактаби
----	---------------	--	---	---

”;

“Бухоро вилояти” бўлимининг 1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1.	Бухоро шаҳри	бадминтон, эркин кураш Бухоро шаҳридаги Эркин кураш маркази	бокс “Аббос Атоев” номидаги бокс маркази	юнон-рум кураши Бухоро Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази кураш зали
----	--------------	--	---	---

”;

“Қашқадарё вилояти” бўлимининг 1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1.	Қарши шаҳри	бадминтон, дзюдо Қарши Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	сузиш Сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби	каратэ WKF Қарши шаҳар 29-умумтаълим мактаби
----	-------------	--	---	---

”;

“Самарқанд вилояти” бўлимида:

1-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1.	Самарқанд шаҳри	бадминтон, дзюдо Самарқанд Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	бадий гимнастика Гимнастикага ихтисослаштирилган спорт мактаби	енгил атлетика Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби
----	-----------------	--	---	--

”;

14-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

14.	Тойлоқ тумани	эшкак эшиш турлари Тойлоқ Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	кураш Тойлоқ Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази	волейбол Тойлоқ туман спорт мактаби
-----	---------------	---	--	--

”;

“Фарғона вилояти” бўлимининг 1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1.	Фарғона шаҳри	бадминтон, теннис Спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган спорт мактаби	гимнастика Гимнастикага ихтисослаштирилган спорт мактаби	сузиш Сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби ва Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази
----	---------------	---	---	--

”;

“Тошкент шаҳри” бўлимининг 7-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

7.	Чилонзор тумани	бадминтон, бадий гимнастика Чилонзор тумани спорт мактаби	камондан отиш Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази худудидаги камондан отиш базаси	гандбол Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази
----	-----------------	--	---	---

”;

б) 3-илованинг 15-банди “б” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “олимпия захиралари коллежларига” сўзлари “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида бадминтон спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 мартдаги 143-сон қарорида:

а) 6-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида, спорт мактабларида, ихтисослаштирилган спорт мактабларида бадминтон бўлимларини очиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиласин”;

б) 2-илованинг:

4-позицияси “Объект номи” устунидаги “Жиззах олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Жиззах Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-позицияси “Объект номи” устунидаги “Қарши олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Қарши Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 715-сон қарори билан тасдиқланган Профessional таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг олимпия захиралари коллежларига” сўзлари “Спортни ривожлантириш вазирлигининг Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Низомга 2-илованинг 11-бандидаги “олимпия захиралари коллежлари” сўзлари “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 августдаги 490-сон қарорининг 2-иловасида:

1-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунидаги “Фарғона олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Фарғона Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунида:

“Андижон олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Андижон Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Андижон шаҳар олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати” сўзлари чиқариб ташлансин;

3-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунида:

“Наманган олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Наманган Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Учкўрғон тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати” сўзлари чиқариб ташлансин;

4-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунидаги “Самарқанд олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Самарқанд Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунидаги “Қарши шаҳар олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати” ҳамда “Ғузор тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати” сўзлари чиқариб ташлансин;

6-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунида:

“Термиз олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Термиз Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Денов тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати” сўзлари чиқариб ташлансин;

7-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунидаги “Бухоро шаҳар олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати” ҳамда “Қоракўл тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати” сўзлари чиқариб ташлансин;

8-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунидаги “Навоий олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Навоий Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунидаги “Урганч шаҳар олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати” ҳамда “Хива тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати” сўзлари чиқариб ташлансин;

10-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунидаги “Нукус олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Нукус Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунидаги “Жиззах олимпия захиралари коллежи” сўзлари “Жиззах Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-позициянинг “Ўғил ва қиз болалар учун” устунидаги “Республика олимпия захиралари коллежи”, “Чирчиқ олимпия захиралари коллежи” ҳамда “Гулистон олимпия захиралари коллежи” сўзлари тегишлича “Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази”, “Чирчиқ Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” ҳамда “Гулистон Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Жиззах вилоятида футболни янада ривожлантириш ва оммалаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 6 апрелдаги 159-сон қарори 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги “олимпия ва паралимпия захираси коллежларида” сўзлари “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида” сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 июндаги 294-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошисидаги “олимпия захиралари коллежлари” сўзлари “Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” декабрдаги 731 -сон қарорига
9-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Тулистон олимпия захиралари коллежини ташкил этиш тўғрисида” 2014 йил 18 июлдаги 198-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олимпия захиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 августдаги 480-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2020 й., 8-сон, 181-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 ноябрдаги 735-сон қарорига 5-илованинг 3-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 877-банди.

